22 МАЙ 1991

Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ЗУЛ-ҚАЪДА, 3-КУН
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ САВР, 27-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган | 1991 йил 17 май, жума, 92-сон | НАРХИ ўбуначига 7 тийин. сотувда 10 тийин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига савол: деҳқонга ким қайишади?

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...

Бозор иқтисодиёти биринчи бўлиб жамоа хўжаликлари — колхозлар ҳамёнига чанг солди десам, муболаға эмас. Олтмиш йилдан бери яшаб келаётган колхозлар гарданига энди офтоб тегади, ҳақиқий хўжайин сифатида иш юритамиз деб турганда... кутилмаган янги солиқлар, иқтисодий муносабатлар юзага келди, Қаддини ростлайман деган хўжаликнинг белини букиб юборишга ҳаракат қилинаяпти. Фикримнинг исботи учун айрим масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳамма ерда пахтанинг харид нархи деярли тенг баравар оширилганлиги тўғрисида хушхабарлар юрибди. Деҳқоннинг қувончи ичига сиғмайди. Яқинда унинг қувончига пиллачилар ҳам эш бўлишди. Чунки ҳар килограмм пиллага ўртача 20 сўмдан ҳақ тўланади, деган гап бир зумда ҳамма ёққа тарқалди. Ипак қурти парваришига киришган пиллачининг хаёлидан олинадиган даромад ҳисобига янги бинолар тиклаш, тўй-томоша ўтказиб эл-юрт олдига дастурхон ёйиш фикри кетмай қолди.

Лекин деҳқон ҳам, пиллачи ҳам харид нархлар ошган бўлса-да, даромад ва суғурта солиғи, сарф-харажатлар, техника воситалари, асбоб-ускуналар нархи кескин ошганлигини, даромад аввалги йиллардагига нисбатан ҳатто камайиб кетишини қандай тушунтиришни билмай ҳалакмиз!

Жорий йилда колхозчиларнинг иш ҳақини тенг баравар оширишимиз керак. Лекин ўтган йили жами даромадларнинг 2,4 фоизи миқдорида ижтимоий суғурта солиғи тўланган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 37 фоизга етиши кутилаяпти. Ўтган йили ижтимоий суғуртага 39 минг сўм ўтказилганди, энди 680 минг сўмга етади. Минерал ўғит, автотранспорт, мажбурий суғурталарга тўланаётган маблағ ҳам 2—3 бараварга ортди. Агар шундай иш тутилса, биз иш ҳақини қандай қилиб тенг баравар оширамиз ёки талаб қилинаётгандай фойданинг 70 фоизини иш ҳақи сифатида берамиз? Ахир, кутилмаган сарф-харажатлар салкам 50 фоиз фойдани ямлаб кетади. Бошқача айтганда, ўтган йили колхоз бўйича бир тонна пахта етиштиришга 805 сўм сарф-лаган эдик, бу йил ҳисоб-китоблар 1.540 сўмга тушишини кўрсатиб турибди. Нарх-наво ва солиқ масаласи чуқур ўйлаб, қишлоқдагилар манфаати ҳисобга олиниб ҳал қилинмас экан, пахта ва пилла харид нархларининг ортганлигидан деҳқонга, пиллакорга наф йўқ.

Яна бир муаммо. Ер рентаси ва медицина сарф-харажатларига ажратилаётган маблағлар ҳам колхозчилар, совхоз ишчилари зиммасига тушиши тўғрисида гап-сўзлар бўлаяпти. Ахир, бу деҳқонни ширин сўз билан алдаб, кўнглини бефойда илинжга, чўнтагини пуч ёнғоққа тўлдириш эмасми?

Ўтган йили колхозчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 165 сўмга тўғри келди. Биз харид нархларининг ошиши ўртача иш ҳақининг кўпайишига ҳам ижобий таъсир қилади, деб кутган эдик. Лекин бунинг акси бўлаяпти. Чунки халқ билан кенгашмай чиқарилаётган солиқлар, нарх-навонинг кўтарилиши туфайли колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 140 сўмга тушиб қолиши кутилаяпти.

Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичи рентабеллик даражаси билан ўлчанади. Энди бу муҳим кўрсаткичга ҳам қизиқиш қолмаяпти. Чунки агар рентабеллик 5 фоиздан 30 фоизгача бўлса 5 фоиз миқдорида, 30 фоиздан ошса 10 фоиз миқдорида солиқ тўланиши белгиланди. Энди ўйлаб кўринг: рентабелликнинг ошиши кимга фойда-ю кимга зиён?

Биз олтмиш йил колхозларга фақат ноз-неъмат, хом ашё етиштирадиган жамоалар сифатида қараб келдик. Энди янгича ишлайдиган, фикрлайдиган даврда яна тўсиқлар пайдо бўлаяпти. Ҳозир жамоамиз ҳудудида янги консерва заводи, қурилиш ташкилоти бунёд этмоқчимиз. Асфальт, гилам тўқиш цехлари ишлаб турибди. Лекин энг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга тўсқинлик қилиш ҳамон давом этаяпти.

Жамоамиз Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз билан уруғлик маккажўхори етиштиришга ихтисослаштирилган. Ҳар йили 250 тонна атрофида уруғлик сотамиз. Дон комбинати уруғни биздан 23 тийиндан сотиб олиб, Тошкентдаги Чиғириқ уруғ саралаш заводига жўнатади. Бу корхонада макка уқаланиб, қопларга солиниб, ўзимизга 2 сўм 90 тийиндан сотилади. Ўртадаги фарқ комбинат ва завод ҳамёнига тушади. Асосий бунёдкор — деҳқон эса ўзи етиштирган маҳсулотни 10 ҳисса қимматга сотиб олади. Ҳар йили вилоятимизда 700—750 тонна маккажўхори уруғлик учун харид қилинади. Ана энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверинг — деҳқоннинг даромади кимнинг чўнтагига тушаётганини. Биз хўжалигимизда уруғлик саралаш пункти очайлик десак, турли кўрсатмаларни рўкач қилиб, рухсат беришмаяпти. Ким ҳам мўмай даромаддан ажраб қолгиси келади?! Ўроқда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир деганлари шу бўлса керак-да!

Неъматжон УМАРОВ,
Тошлоқ районидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги раиси.

ХОНАДОНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛСИН

Яккабоғ райони вакилларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон аҳолисига мурожаатнома қабул қилинди

Ҳозирги қийин пайтда ҳар бир яхши хабар қалбларга қувонч бағишлайди, дейилади мурожаатномада. Ҳозирги баҳор кўп ташвишлар келтирганига қарамай, эртанги кунимизга ишончимизни мустаҳкамламоқда. Деҳқонлар янги ҳосил учун мустаҳкам замин яратдилар, экин-тикин ишларини муваффақиятли тугалладилар. Ғўза ниҳоллари бўй чўзмоқда. Дон экинлари, картошка, сабзавот, мева, узум ҳосили мўл бўлиши кутилаяпти. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам кўпайишига умид қилаяпмиз.

Бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан келмаслигини, осмондан тайёр бўлиб тушмаслигини яхши биламиз. Бозор иқтисодиёти йўлида катта қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Фақат меҳнат билан кутилган натижаларга эришиш мумкин, фақат далаларда ва фермаларда зўр бериб қилинган меҳнатгина сезиларли самара беради, мамлакатни оғир танглик ҳолатидан чиқариб олишга имкон беради.

Ҳукумат ҳар бир тийинни санаб сарфлашга мажбур бўлаётган, республикаларо иқтисодий алоқалар бузилган ва бузилаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда: республика Президентининг бир қанча фармонлари ана шу ишга қаратилган. Деҳқонлар ер участкалари олдилар, улар уй қуриб олиш имкониятига эга бўлдилар. Қишлоқларни сув ва газ билан таъминлаш яхшиланаяпти. Хуллас, ўзимиз тўғримизда ғамхўрлик қилинаётганлигини, бизга эътибор берилаётганлигини сезишимиз учун, республикамиздаги ҳар бир кишида эртанги кунга ишонч пайдо бўлиши учун ҳамма иш қилинаяпти.

Бироқ қийинчиликларни бартараф этиш ҳозирги пайтда фақат республика раҳбарларига боғлиқ эмас, уларга шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари тўғрисидаги ғамхўрликлари учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Қийинчиликларни бартараф этиш, станок ёнидами ёки даладами, қурилиш майдончасидами ёки илмий муассасадами— қаерда ишламайлик, кўп жиҳатдан ҳар биримизга боғлиқ. Яна бир бор такрорлаймиз — ҳаммамизнинг ва ҳар бир кишининг меҳнатигина ҳозир сезиларли натижа келтира олади. Қишлоқ меҳнаткашлари учун қимматли вақтни бой бериб, қўл учида ишлайдиган бўлсак, қорнимиз тўядими, устимиз бут бўладими? Албатта, йўқ. Бу ҳаммага равшан.

Деҳқонининг ишлари кўп. Ипак қуртини боқиш ҳам, ем-хашак ғамлаш ҳам — ахир беда ва ўтлар ўсаяпти, мурғак ғўза ниҳолларини парвариш қилиш ҳам, ғаллани ўриб-янчиб олишга тайёргарлик кўриш ҳам ҳаммаси деҳқонни кутаётган ишлардир. Фермалардаги, боғ ва токзорлардаги ишлар-чи!

Инсоннинг кўнгли тўқ бўлса, хонадонида тинчлик ва осойишталик бўлса, у хотиржам меҳнат қилади. Ҳар куни қўрқув билан яшаса ва эртанги кунга ишонмаса кўп иш қила оладими?

Ҳозир бемаъни баҳслар ва тўқнашувлар кимга керак? Ярамас миш-мишлар тарқатилаётган жойларда ёлғон ва туҳмат авжига чиқиши, турли тоифадаги гиж-гижловчилар «ўз фикрини» тиқиштиришга уриниб, одамларни йўлдан оздирмоқчи бўлган жойларда меъёрий меҳнат маромини ҳам, соғлом маънавий муҳит ҳам бўлмаслиги равшан эмасми, ахир. Бундай жойларда интизомдан асар ҳам қолмайди, тартибсизликлар келиб чиқади, ишнинг ўзи ҳам қувонч келтирмайди.

Бизда апрель ойининг охирларида юз берган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви хўжалик фаолиятига салбий таъсир қилмай қолмади.

Эрта тонгдан коронғу тушгунга қадар далада ишлайдиган деҳқон учун бир гуруҳ ҳамкишлоқлари деҳқон бурчини унутиб, даладан митингга, бунинг устига, рухсат этилмаган митингга жўнаб кетаётганини кўриш осон дейсизми. Қанчалик митингбозлик қилинмасин, гап билан ҳосилни сақлаб қолиш мумкин эмас. Чиройли сўзлардан кўйлак тикиб бўлмайди. Олдимизда турган энг муҳим муаммоларни ҳам қуруқ гап билан ҳал қилиб бўлайди.

Очиғини айтайлик, жамоат тартибини бузувчилар умумий ишимизга жуда катта зарар етказмоқдалар. Районимизда эса бундай одамлар бор. Улар пойтахтдаги норасмий бирлашмалар вакилларининг «хомийлик қилишидан» фойдаланиб, нифоқ уруғини сочмоқдалар, хўжаликларни тартибсизликка бошламоқдалар. Ўзбекистон деб аталган катта хонадонимиздаги осойишталикни улар қадрламайдилар, улар учун шахсий нафсониятлари муҳимроқ. Шу сабабли улар ўзларини бизга минбарда кўрсатиш учун, ўзларини «халқ ва унинг манфаатлари ҳимоячилари» қилиб кўрсатиш учун одамларни митингга чорламоқдалар. Айни пайтда улар ярамас миш-мишларни тарқатмоқдалар, ғиғо қилиб қуруқ гап кўпайиши учун замин ҳозирламоқдалар.

Ўзбекистон ССР халқ депутати Шоврик Рўзимуродов ҳам ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчилари орасига тушиб қолди. Халқ унга ишониб топширган депутатлик мандатига доғ туширди, ишончимизни оқламади. Бундай одам республика депутатлари орасида бўлмаслиги керак. Бу бизнинг чуқур эътиқодимиз, бинобарин, сайловчилар ўз ҳал қилувчи сўзларини айтадилар, деб умид қиламиз.

Биз Шоврик Рўзимуродовнинг вазиятни беқарор қилишга қаратилган ҳаракатларини, унинг аҳоли айрим гуруҳларини, айниқса ёшларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, совет қонунларини бузишга гиж-гижлаганини қоралаймиз/ Жамоат осойишталигини ашаддий равишда бузган бу шахсга нисбатан кўрилган чораларни биз тўлатўкис маъқуллаймиз.

Биз, республика раҳбарларига мурожаат қилиб, ҳосил учун курашнинг айниқса ҳозирги масъулиятли даврида ишлашимизга ҳалақит бераётган кишиларга нисбатан қаттиқ туришни илтимос қиламиз.

Районимиз меҳнаткашлари халқ хўжалигини янада юксалтиришга эришиш, тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал қилиш учун бутун кучғайратларини сарфлашларига ишонамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Хонадонимизда тинчлик ва осойишталик бўлсин!

МУРОЖААТНОМА ЯККАБОҒ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1991 ЙИЛ 13 МАЙДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ЖИГАРИСТОН: ФОЖИАНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ КУНИ

ҲАМДАРДЛИК

Бугунги кунда кўплаб шаҳарлардан, жумҳуриятлардан, ҳатто чет эллардан бахтсизликка учраганларга ёрдам қўли чўзилаяпти. Қалби инсойийлик ва олижаноблик руҳи билан тўлиб тошган кишилар қаторида Германияда яшовчи Жанубий Корея христиан протестантлари жамоатчилиги вакиллари ҳам бор. Улар юборган болалар кийимлари, турли саноат моллари, озиқ-овқат ортилган 5 тоннали контейнер жигаристонликларга топширилди. Уни корейс халқи номидан шу жамоанинг миссионери Чой Сан Хо (суратда) топширар экан, юртдошларимизга ҳамдардлик билдирди.

МАРДЛИК

Фалокат сабаби, уни тугатиш чоралари, қилинаётган ёрдам тўғрисида рўзномаларда кўп ёзилди. Лекин фалокат содир бўлган чоғда ҳаммадан аввал у ерга етиб бориб, авароналар остидан одамларни олиб чиққан кишилар — қутқарувчилар ҳақида қалн сўз юритилгани йўқ. Кўчки юз бергач, Ўрта Осиё тоғ қутқарувчилар отряди аъзолари офат ўчоғига фалокат содир бўлгандан 5 минут кейинроқ етиб келдилар. Қутқарувчи Владимир Гаркуша тупроқ остидаги 3 кишини ўлим чангалидан олиб чиқди. Кўмир қазиб чиқариш объектларида фавқулодда ҳолат чоғида иш кўрадиган бу отряд командири Вячеслав Григорьевич Ким шахсан икки кишини фалокатдан сақлаб қолди. Улар ихтиёридаги грейдер ва бульдозер машиналари ёрдамга келаётганлар учун йўлларни тозалаб бериб турди.

Ўша машъум кунлари Жигаристонда ўзгача кийим бошда ишлаётган фидойи йигитларни кўрган бўлсам-да, улар ким эканлигини сўрашга фурсат ҳам, шароит ҳам бўлмаган эди. Бугун рўзномамиз орқали мардлик намуналарини кўрсатган бу отряд йигитларига миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Маъмур НАЗАР.

«Буюк ипак йўли» бўйлаб



САМАРҚАНД: ТИЖОРАТ АНЪАНАЛАРИ ТИКЛАНАДИ

Мағрибу машриқнинг иқтисодий ва маданий белбоғи саналмиш Буюк ипак йўлининг тарифию тавсифига ҳожат йўқ. Авлоду аждодларимизнинг бу бебаҳо кашфиёти асрлар оша ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий тараққиётимизга улкан хизмат қилган.

Афсуски, кўҳна тарих шодасидаги ана шу нодир маржон тизими узиб юборилган ва бизнинг давримизгача етиб келмаган. XVI асрдан кейинги инқирознинг ҳал қилувчи боисларидан бири ана шу десак, хато бўлмас.

ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли» — мулоқот йўли» ялови остида Ўрта Осиё республикалари бўйлаб ўтаётган халқаро сафар ана шу тарихий мулкимиз мазмун моҳиятини теран таҳлил этишга, осиёвий тижорат анъаналарини тиклашга хизмат қилади. Айни пайтда иқтисодиётимиз ва маданиятимиз равнақига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деган умидимиз бор.

14 май куни сафар иштирокчилари «Буюк ипак йўли»нинг энг йирик бекатларидан бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандга етиб келдилар. Ярим кечаси бўлишига қарамай, пойқадами қутлуғ сайёҳлар: олимлару фозиллар, тарихчилар, қадимшунослар, шоиру адиблар нон-туз билан кутиб олиндилар.

Меҳмонларни вилоят раҳбарлари, илм аҳли, жамоатчилик вакиллари қизғин муборакбод этишди.

Халқаро сафар лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси — ЮНЕСКО бош директори муовини, франгистонлик олим ва жамоат арбоби Дьен Дуду, сафарнинг илмий раҳбари покистонлик профессор Аҳмад Ҳасан Дани, сафар иштирокчилари америкалик Сэмпс Ричард, туркиялик Нодир Давлат, япониялик Като Кюдзо, англистонлик Симпсон Джон, самарқандлик Амриддин Бердимуродов қутлов учун самимий миннатдорчилик билдиришиб, шаҳар аҳли билан қизғин мулоқот — мунозарага киришиб кетдилар. Буюк ипак йўлининг тикланишти ўлкамизда миллий тижорат анъаналарини, халқаро савдо-сотиқни тиклашу ривожлантиришга, маданий алоқаларни изчил йўлга қўйишга, айни пайтда самарқанднинг асл қиёфасини тиклашга хизмат қилажаги таъкидлаиди.

Эртаси куни саёҳатчилар шаҳарнинг қадимий меъморий обидалари, замонавий қурилишлари, илм-фан марказлари билан танишдилар. Қизиқарли учрашувларда қатнашдилар. Самарқанд яқинидаги табаррук қадамжо — Хўжа Исмоил ал Бухорий қабрини зиёрат қилдилар.

Индинига қўшни Тожикистоннинг Панжакент туманидаги ёдгорликлар, тарихий манзилгоҳлар кўздан кечирилди.

«Буюк ипак йўли» сафари иштирокчилари билан мароқли учрашувлар, қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

Ҳабиб ТЕМИР,
Холмуҳаммад НУР,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

СУРАТДА: «Буюк ипак йўли»ни тўла-тўкис тадқиқ этишга отланган халқаро экспедиция қатнашчилари навбатдаги манзилга ошиқмоқдалар.

И. ХУЖАЕВ суратга олган.

О. С. Шенининг Ўзбекистонда бўлиши

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 16 май куни Тошкентдаги «Малика» ва «Зенит» ишлаб чиқариш бирлашмаларида бўлди.

У ишлаб чиқаришни кўздан кечирди, ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди. Партия Марказий Комитетининг котиби уларнинг меҳнат ва маиший шароитлари, меҳнат интизомининг аҳволи билан қизиқди. Бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари ўртага қўйилди. Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун кўриш зарур бўлган оператив тадбирларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. О. С. Шенин корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимларининг саволларига жавоб қайтарди.

Меҳнаткашлар жамоалари билан учрашувларда КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, республика Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

О. С. Шенин билан И. А. Каримов Ангренга бордилар. Улар табиий офат натижасида зарарланган Жигаристон поселкасида бўлдилар, одамлар фожиали ҳалок бўлган жойга гуллар қўйдилар, жабрдийда оилаларда бўлиб, уларга чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Жигаристонда бўлиш пайтида О. С. Шенин билан И. А. Каримов тиклаш ва лойиҳалаш ишларининг борши билан қизиқдилар. Барча жабрдийдаларга зарур ёрдам кўрсатилаётгани ва кўрсатилиши, ҳеч ким кулфатда эътиборсиз қолдирилмаслиги таъкидланди. Қурувчилар билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказилди.

(ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НАМУНАСИДАГИ БЕШ СЎМЛИК БАНК БИЛЕТЛАРИ (БАНКНОТЛАРИ)НИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР давлат банки 1991 йил 1 июндан СССР давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги беш сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни муомалага чиқаради. Банкнотларнинг тасвири матбуотда эълон қилинади.

СССР давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги беш сўмлик банк билетлари (банкнотлари) давлат, кооператив, тижорат, жамоат ва бошқа барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар ва почта корхоналари томонидан жамғармага жорий, ҳисоб варақаларига қўйиш учун, жўнатмалар учун ва аккредитивларга ёзиб қўйилган қиймати бўйича чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

1961 йил нусхасидаги беш сўмлик СССР давлат хазина билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада бўлаверади ва давлат, тижорат, жамоат ва бошқа барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар ҳамда айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек банклар ва почта корхоналари томонидан омонатларга жорий, ҳисоб варақаларига қўйиш учун, жўнатмалар учун ва аккредитивларга ёзиб қўйилган қиймати бўйича чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

Ҳозирги вақтда СССР давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 10 ва 25 сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни шу йилнинг 3-4 кварталларида муомалага чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу банкнотларнинг тасвири ва муомалага чиқарилишининг аниқ вақти қўшимча равишда маълум қилинади. 1961 йил нусхасидаги 1 ва 3 сўмлик СССР давлат хазина билетлари, 1961 йил нусхасидаги СССР давлат банкининг 10 ва 25 сўмлик билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада бўлаверади ва ҳамма турдаги тўловларга, варақаларга қўйиш учун қабул этилиши мажбурийдир.

БЕМАВРИД ЁҒИН КАСОФАТИ

УРГАНЧ. (16 май, ўз мухбиримиздан). Хоразм вилоятида 15 май куни бошланган ёмғир дам селга, дам жалага айланиб турди. Об-ҳаво кузатувчиларнинг маълумотларига қараганда, воҳага ёққан ёғин миқдори бир ойлик меъёрга тенг бўлган. Ёғингарчилик оқибатида ғўза ва бошқа экинлар ниҳоллари қаттиқ зарарланди. Бу кейинги қафталар ичидаги иккинчи табиий офатдир. Аввалгисида воҳа халқ хўжалиги анчагина иқтисодий зарар кўрганди. Кечаги ёмғир миқдори эса ўтган галдагидан қариб 2 ҳисса кўп бўлди.

Ёғингарчилик оқибатлари мутахассислар ва давлат суғурта ташкилотлари томонидан ҳисоблаб чиқилмоқда.

А. СОБИРОВ.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАСИН

Ўзбекистон Президенти И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Кейинги кунларда Яккабоғ районида рўй берган тартибсизликлардан ғоят ташвишланаяпмиз. Маҳалламиз аҳли ана шу ножўя ишлар ортида республика халқ депутати Шоврик Рўзимуродов ва норасмий «Бирлик» бирлашмаси турганидан ғазабланмоқда.

Республика ҳукуматидан тартибсизликларни уюштирган кишиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилишини талаб қиламиз.

Ҳамза номли маҳалла комитетининг раиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Худойберди Умурзоқов, Улуғ Ватан уруши ногирони Эргаш Назаров, меҳнат фахрийлари А. Е. Ҳанипова, Хўжақул Бекмирзаев, Бобомурод Ёқубов, Утил Шоимова ва бошқалар.

Яккабоғ районида бўлган тартибсизликлар халқимизнинг ғазабини адолатли тарзда қўзғатмоқда.

Маҳалламиз аҳолиси бу тартибсизликларга республика халқ депутати Шоврик Рўзимуродов даҳлдорлигидан ғазабланмоқда. Бу «Бирлик»даги норасмийларнинг қора ишларидир.

Ҳукуматимиз бундай тартибсизликларни келтириб чиқараётган кишиларга нисбатан жуда қаттиқ чоралар кўрсин.

Яккабоғ шаҳридаги Жамбул маҳалла аҳолиси номидан Амир Алиқулов, Маҳмуд Нишонов, Номоз Раҳимов, Исматулло Рўзиев, Гулсара Файзиева.

Охунбобоев номли маҳалла аҳолиси райондаги тартибсизликларнинг ташкилотчиларига нисбатан кўрилган чораларни маъқуллади. Биз нафратимиз ва қаҳр ғазабимиз тўлиб тошган, рухсат этилмаган митинглар ва намойишлар ўтказишга интилаётган шахсларни қаттиқ жазолашингизни сиздан ўтиниб сўраймиз.

Бу ишларга норасмий «Бирлик» бирлашмасининг аъзолари ҳам қўл урганликлари кишини ғазаблантиради.

Одамлар осойишталигини бузишга ҳаракат қилаётган, тартибсизликлар келтириб чиқараётган барча кишилар жуда қаттиқ жазоланиши керак.

Маҳалла аҳолиси номидан Бўри Усмонов, Саид Ҳайитов, Ибодат Эргашев, Саидали Саидов, Нор Бобоев.

Авангард матлубот жамияти жамоаси 21—22 апрель кунлари Яккабоғ районида ўтказилган митингларда халқни севдо ходимларига қарши қўйишга уриниш бўлганлигидан ғазабланмоқда. Рухсат этилмаган митингларнинг ташкилотчиларига нисбатан ўз вақтида ва тўғри чоралар кўрилди.

Узбекистон халқ депутати Шоврик Рўзимуродов ўзининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан ишларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз унинг бу хатти-ҳаракатларини қоралаймиз, унга нисбатан чора кўришни талаб қиламиз.

Яккабоғ район халқ маорифи бўлимининг ходимлари Ҳайитов, Полвонова, Жумаева, Рўзиев, Раҳмонов.

Маҳалламиз аҳолиси депутат Шоврик Рўзимуродов ва «Бирлик»даги норасмийларнинг хатти-ҳаракатларидан ғазабланмоқдалар. Тартибсизликларни уюштирганларга нисбатан қатъий чора кўришни талаб қиламиз.

Фурқат номли маҳалла номидан Нормурод Йўлдошев, Мамаражаб Ражабов, Равшан Камолов, Раҳима Файзиева, Саломат Шарипова ва бошқалар.

Хўжалигимиз жамоасини кейинги вақтда райондаги аҳволни кескинлаштириб юборган бир гуруҳ шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ғазаблантирди. Одамларни нотўғри йўлга чорлаётган кишиларни қаттиқ жазолашни сўраймиз.

«Ленин учқуни» жамоа хўжалиги аъзолари номидан Э. Эшбобоев, Р. Тойлоқов, А. Акбаров, М. Саидов ва бошқалар.

Халқ депутати Рўзимуродовга нисбатан кўрилган чораларни қўллаб-қувватлаймиз. Унинг бу хатти-ҳаракатлари ёшларга салбий таъсир қилмоқда.

Район комсомол комитети бюроси ва байналмилалчи жангчилар район кенгаши номидан Б. Юсупов, Э. Бозоров, Шоймардонов, Азизов.

Яккабоғ район қурилиш трести механизациялаштирилган кўчма колоннаси жамоаси 21—22 ва 29 апрель кунлари бўлган митингларнинг қатнашчиларига нисбатан жазо чораларини тўғри, деб ҳисоблайди. Уларни янада қаттиқроқ жазолаш мумкин эди. Сизни бундан кейин бутун кучимизни ишга солиб, ғайрат билан, маънавий жиҳатдан соғлом муҳитда ишлашимизга ишонтирамиз.

Яккабоғ район фахрийлар кенгаши ғайриқонуний намойишларнинг ташкилотчиларига нисбатан кўрилган жазо чораларини маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Агар улар одамларнинг тинчлигини яна бузадиган бўлишса, уларга нисбатан бундан ҳам қаттиқроқ жазо чоралари кўрилишини сўраймиз.

Уруш, меҳнат ва партия фахрийлари район кенгашининг раёсати.

Яккабоғ районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигининг меҳнаткашлари экстремистларнинг хатти-ҳаракатларини қоралайдилар ва уларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўрилишини сўрайдилар.

Жамоа хўжалиги аъзолари номидан Х. Бойматов, Ш. Мирзаева.

Булар сўнгги кунларда республика Президенти номига келган телеграммаларнинг бир қисми, холос.

Яккабоғда апрелда юз берган тартибсизликлар жамоатчилик фикрини жунбушга келтирди. Айниқса Узбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлиги мандати ишониб топширилган киши бу тартибсизликларни уюштиргани одамларнинг ғазабини қўзғатмоқда. Улар халқдан чиққан одам деб Яккабоғ район матлубот жамияти юк ташувчилар бригадири Шоврик Рўзимуродов учун овоз бергандарида унга ишонишган эди. Эҳтимол, депутатликка номзоднинг таржимаи ҳолини сайловчиларнинг ҳаммаси билмагандир, унинг таржимаи ҳолида шундай хунук сатр бор— 1982 йилда у бошлиққа бўйсунмагани учун Ашхобод гарнизони ҳарбий трибунали томонидан уч йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. Лекин бу ўтмишдаги гаплар, Рўзимуродов Узбекистон парламентининг янги таркибига сайланди.

Омманинг кайфиятини халқ вакили билмаса — ким билади, у ўз сайловчиларининг манфаатлари билан яшаши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши керак.

Ҳозирги мураккаб вазиятда одамларнинг куч тўплашларига ёрдам бериш, ижтимоий муҳитдаги кескинликни тугатиш учун ҳамма ишни қилиш, тангликка қарши ишлаб чиқилган дастурни амалга оширишда иштирок этиш депутатларининг жонажон ишидир. СССР Президенти билан тўққиз жумҳурият раҳбарларининг қўшма баёноти ҳам шунга даъват этади, бу баёнотни халқ мамлакатдаги вазият ривожланишида бурилиш бўлиши учун яхши негиз деб кутиб олди.

Ҳозир мамлакатни тангликдан олиб чиқиш учун, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишини тўхтатиш, унинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун халқ депутатлари ҳам кўп иш қилмоқдалар. Бизда иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, ер участкалари ажратиб бериш, уй-жой билан таъминлаш, истеъмол бозорини йўлга қўйиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилаётганлигини республикамизнинг барча аҳолиси билади.

Халқ депутати Шоарик Рўзимуродов бошқа йўлни танлади — айни у тартибсизликларни келтириб чиқарди, рухсат этилмаган митингларнинг ташаббускори бўлди, бу митинглар минглаб одамларнинг тинчлигини бузди. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун, мамлакатни тангликдан олиб чиқиш учун жуда зарур бўлган, лекин ночорликдан кўрилган тадбир — яқинда нарх-навонинг оширилишидан аҳоли айрим гуруҳлари норози бўлганлигидан фойдаланиб, у ўз хатти-ҳаракатлари билан вазиятни беқарор қилишга, ғайриқонуний ишларга даъват этди. Ғазабни қайнатадиган ва эзг номунósиб томони шундаки, у ёшларни гиж-гижлади, ёш қалбларни шафқатсиз бўлишга чақирди.

10 апрель куни Рўзимуродовни район прокуратурасига таклиф қилишди ва бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисида расмий равишда огоҳлантиришди. Лекин у бунга қулоқ солмади.

Рўзимуродов халқ депутати сифатида Узбекистон ССР Олий Кенгашининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятлар ва бошқа қонунбузарликларга чек қўйиш мақсадида қабул қилинган «Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш чоралари тўғрисидаги қарорини билиши лозим эди. Шу қарорга мувофиқ жумҳурият қонунларига тегишли ўзгартишлар киритилган эди.

Қонун қонунлигича қолаверади — унга ҳамма бўйсуниши керак. Халқ депутатлари эса бунда намуна кўрсатишлари шарт. Аммо Шоврик Рўзимуродов бундай одам эмас. У 21 апрель куни эрталаб Яккабоғда район ижроия комитети биноси олдида митинг уюштирди, эртасига район ички ишлар бўлими биноси олдида одамларни тўплади. Митинг қатнашчиларидан тарқалишни илтимос қилишганида, у одамларни район ижроия комитети биносига бошлади. Оломон кўпая борди, кескинлик кучаяверди, қатъий талаблар эшитила бошлади. Бундай талаблар орасида район прокурорини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бошқа ходимларини лавозимидан дарҳол бўшатиш тўғрисидаги талаблар ҳам бор эди. 29 апрелда бундай воқеа яна такрорланди. Бунинг устига Рўзимуродовнинг ўзи атайлаб қайсарлик қилди. Район партия ва совет идоралари раҳбарларига қўпол гапларни айтди, прокурорга жисмоний ўч олиш билан дўқ қилди.

Сабр-бардош ва хотиржамлик ғалаба қилди. Тушунтириш тарзидаги чора-тадбирлар кўрилди, шундан сўнг одамлар Ленин номли майдондан тарқаб кетдилар. Рўзимуродов эса тинчимади. У 10 май куни яна митингга чақирди. Лекин митинг бўлмади.

Жумҳурият прокуратураси Узбекистон ССР халқ депутати Ш. Рўзимуродовни маъмурий жавобгарликка тортишга рухсат беришни сўраб, Олий Кенгаш Раёсатига мурожаат қилди. Раёсат тақдим этилган материалларни диққат-эътибор билан кўриб чиқди, прокуратура тақдимномасида баён этилган айрим жиҳатларни аниқлашни депутатлар гуруҳига топширди. Депутатлар Яккабоққа бориб, Рўзимуродов ғайриқонуний ҳаракатларини содир этганлиги ўша жойнинг ўзида ишонч ҳосил қилдилар. Шундан сўнг жумҳурият Олий Кенгашининг Раёсати Ш. Рўзимуродовни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик берди.

Қаршн шаҳар халқ судининг 10 майдаги қарори билан фуқаро Ш. Рўзимуродов Узбекистон ССР маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси 188-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган ҳуқуқбузишларни содир этганликда айбдор, деб топилди. Унга 15 кун маъмурий қамоқ жазоси белгиланди. Яккабоғ район ижроия комитети Рўзимуродов ғайриқонуний ҳаракатлари билан етказган 6 минг сўм моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан судга ариза берди.

Рўзимуродовнинг ҳамма қилмишлари унинг виждонига ҳавола. Лекин у ўз хатти-ҳаракатлари учун уни парламентга сайлаган халқ олдида, депутатлар олдида жавоб бериши керак. Президент И. А. Каримов номига келган ўнлаб телеграммаларда ана шундай талаб қўйилган.

Жумҳуриятдаги осойишта ишчанлик вазияти, иқтисодиётнинг нисбатан барқарорлиги, аҳолини, айниқса унинг қашшоқ табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар яқин орада Узбекистон иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланиши учун замин, республика аҳолисининг муносиб турмуши учун шароит яратилишига кафолатдир.

Ҳозир биз турмушнинг барча соҳаларида кўп қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Бу қийинчиликларнинг жамиятимизни тубдан янгилаши лозим бўлган ислоҳотларни давом эттириш йўлида амалий ечимларни излаш билангина, Узбекистонда яшовчи барча кишиларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина бартараф этиш мумкин. Жамиятдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш эртанги кунга ишонч билан қарашнинг кафолатидир.

Муаммоли хабар

КАЛАВА ХОНҚАДА, УЧИ УЙЧИДА

ХОНҚА районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида ишлай бошлаган ҳунармандчилик цехи чеварлари Хоразмда биринчи бўлиб зардўзи шойи тўқиш касбини ўргандилар. Ҳозир иккита дастгоҳдан биттасида ана шу харидорбоп газлама ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари «Кремль», «Шахмат» деб номланувчи атласлар ҳам тўқилаяпти. Шунингдек, цехда кўрпа, тўшак, ёстиқ ва улар учун жилдлар тикиш ҳам йўлга қўйилди.

Қишлоқ ҳунармандчилик корхонасида 24 уй бекаси ишли бўлди.

Янги корхона учун айтарлик кўп хом ашё талаб этилмайди. 250 килограмм ипак толаси цехнинг бир йиллик фаолияти учун кифоя. Бироқ ана шу арзимас матони олиш катта муаммога айланган. Урганчда пиллакашлик фабрикаси бўлса-да, хом ашё Фарғона водийсидаги Уйчи фабрикасидан ташиб келтирилмоқда. Урганчлик ипак йигирувчилар эса ўз маҳсулотларини Уйчига жўнатмоқдалар. Жамоа хўжалиги аъзолари корхона эҳтиёжи учун хўжаликнинг ўзида қўшимча ипак қурти асраб, уни Урганч корхонасида қайта ишлаб бериш хусусида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилишганди. Афсуски, бу таклиф ҳам ҳозирча жавобсиз қолаяпти.

Хонқанинг ўзида пахта тозалаш заводи бўлишига қарамай кўрпа, тўшак ва ёстиққа ишлатиладиган пахта Амударё ортидан — Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа районидан келтирилмоқда. Қишлоқ корхонаси йўлига бу йўсинда ғов қўйиш кимга манфаат келтираркин?

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мактуб йўлга чорлади

ШИРИНОВНИНГ АЧЧИҚ ТАШВИШЛАРИ

Ялғош Шириновнинг шикояти бўйича дастлаб халқ депутатлари Пайариқ район совети ижроия комитети раиси Холиқул Тўраева билан учрашишга тўғри келди. Раис бобо қайгадир йўл олиб, оппоқ «ГАЗ-24» томон йўналаётганди. Худо хайрини берсин, оғриниб бўлса-да икки-уч дақиқа вақтини биздан аямади. Саломалик, ҳол-аҳвол сўровидан сўнг муддаога кўчдим:

— Раис бобо, Шириновнинг шикояти юзасидан келганидим. Вақтингиз бўлса, бамаслаҳат таҳлил этсак.

Кутилмаганде раис зарда қилди:

— Ростини айтайми, жонга тегди шу Шириновингиз. Биз унга ҳамма нарсани қилиб бердик, яна нима керак унга?

Дабдурустдан бундай муомалага мен ҳам, ҳамроҳим — район советининг масъул ходими Баҳодир Раҳмонов ҳам тушунолмадик. Шундай бўлсада савол жавобсиз қолмаслиги лозим эди:

— Кечирасиз, — дедим мен, — Ширинов ёр-оғайним эмас, таҳририят топшириғига кўра хизмат тақозоси билан...

Тўраев ҳам бўшашмади:

— Келган бўлсангиз, ана, Саидовга учранг, кўринг, текширинг, ёзинг. Менинг «разборим» бор.

Раис «разборн»га кетди. Райижроком раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Мусахон Саидов ҳам ўша куни хизмат билан қайгадир кетганди. Майли, ҳозирча, «Самаркандводстрой» трестининг механизациялашган махсус 8-кўчма колоннаси бошлиғи Равшан Ёдгоров билан Шириновнинг арз-доди битилган хатни кўздан кечириб чиқайлик-чи.

«1990 йил 14 апрель куни табиий офатга учрадик. Сел келиб уй-жойимиз, мол-мулкимиз сув остида қолди. Узимиз аранг қутулдик. Ўша куниёқ Тошкентдан, вилоят ва райондан раҳбарлар келиб, офат оқибатларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Хафа бўлманг, дея юпатишди улар, тезда уй қуриб берамиз. Райижроком раиси Х. Тўраев ва унинг ўринбосари М. Саидов бу вазифани механизациялашган махсус 8-кўчма колоннага юклашди. Уй бир ой ичида фойдаланишга топширилади, дея ваъда ҳам қилишди. Мен давлатдан қарзга олган 10 минг сўм пулдан 8 минг 500 сўмни қурилиш ташкилоти ҳисобига ўтказдим. Лекин мана бир йил ўтдики, на уй битади, на менинг сарсонгарчилигим охирига етади. Бунинг устига дастлабки лойиҳа ҳужжатларида уч хонадан иборат пешайвонли уйимнинг қиймати 8.734 сўм эди. Бу ҳужжат қайта тайёрлангач, 16.618 сўмга чиқиб кетди. Мен бундан норозиман».

Равшан Ёдгоров ва қурилиш устаси Раҳматулла Бердимуродов билан ўтказилган таҳлил кўп нарсани ойдинлаштирди. Дадил айтиш керак, аслида бу қурилиш одатдаги ура-урачилик, танг вазиятдан тезроқ қочиб қутулиш тарзида хато бошланган. Нима учун? Чунки, биринчидан, қурилиш ташкилоти билан буюртмачи Я. Ширинов ўртасида шартнома тузилмаган. Ҳуқуқшуносларва мутахассисларнинг фикрларича, шартномасиз ишга киришиш ғайриқонунийдир. Иккинчидан, ижрочи ташкилотда шахсий уй қуриш учун бинокорлик материаллари фонди йўқлиги мутлақо ҳисобга олинмаган.

М. Саидов билан баҳсу мунозарадан ойдинлашдики, 8-қурилиш ташкилоти Шириновнинг уйини тиклаб бериш ҳақида райижрокомдан бирорта ҳам расмий топшириқ ёки кўрсатма олган эмас. Ҳаммаси офат оқибатларини кўриб, жабрдийдаларга мадад беришга келган республика ва вилоят раҳбарларини тезроқ кузатиб қўйиш илинжида «бажарамиз, зўр бўлади» дея уларни ишонтириб берилган ваъдадан сўнгги оғзаки буйруқлардан иборат.

— Жабрдийда қўшниларим пойдевордан кейинги ишларни ўзлари бажариб, аллақачон уйларига кўчиб киришди, — дейди Ялғош Ширинов.—Бошданоқ менга ҳам уй қуришни бирор бир ташкилотга топшириш қоидаси ариза бериш ва шартнома боғлашдан иборат дейишганда, бунчалик сарсон бўлмасдим. Эҳтимолки, бу ишни аллақачон ўзим эплардим.

— Дастлаб Ширинов «лойиҳа бўлса — бўлди», дея қистовга ўтди, — дейди лойиҳалаш бюроси меъмори Б. Очилова. — Тузиб бердим. Лекин қурилиш бошлангандан сўнг бинокорлар эътирози кучая борди. Пойдевордан кейин лойиҳани жойига бориб қайта кўриб чиқдим. Унга тузатишлар киритишга тўғри келди. Иккинчиси мукаммалроқ аслига яқин бўлиб чиқди. Уй эгасининг норозилиги ўринсиз.

Демак, Я. Шириновни чалғитган нарса — лойиҳанинг хомлиги. Кўраяпсизми, бу ерда ҳам хато катта панд бераяпти.

Мақола сўнгида шикоят эгасига ҳам билдирилиши лозим эътирозларга тўхталмасак адолатдан бўлмас. Ўша табиий офатдан сўнг Я. Ширинов эътиборсизликдан иолиб, район ташкилотлари раҳбарларининг бошида ёнғоқ чақишгача етди-ёв. Аслида унга кўрсатилган мадад чакки эмас. Жабрдийда давлатдан 10 минг сўм қарз олди. Суғурта идораси кўрилган зарарни қоплаш учун 8.000 сўм маблағ ажратди. Район халқ таълими бўлими ўқитувчилардан 1.700 сўм пул йиғиб ёрдам кўрсатди. Агар унинг ўзи ҳам сал жон қойитганда, сарф-харажат ҳозиргичалик қимматга тушмасди, вақтдан ҳам, маблағдан ҳам ютарди. Идорама-идора саргардон югуришга, паст-баланд, аччиқ-чучук гиналарга, таънаи дашномларга ўрин қолмасди. Йўқ, Я. Шириновнинг хатоси шундаки, у масалаларнинг моҳиятига етмай, вазият билан ҳисоблашмай, икки оёғини бир этикка тиқиб олди, ўжарликдан нарига ўтмади.

Икки орада уйни тиклаш чалғитилди. Яқинда қурилиш ташкилоти Я. Шириновдан яна пул талаб қилди. Уй эгаси тўлашдан бошқа иложи қолмаганини сездиди-да, тағин 6.000 сўм пулни ташкилот ҳисобига топширди. Иншоолар бу уй ҳам битар, унга кўчиб киришар, лекин Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ялғош Шириновнинг дилхираликлари аччиқ эсдалик сифатида қолаверади.

Холмуҳаммад НУР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олмониядан республикамизга тиббий ускуналар билан жиҳозланган 100 та машина, кўплаб ашёлар келди. Бу ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг маҳсули, албатта.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таъминот маркази директори С. Мўминов, «Лабортехник Ильменау» тижорат фирмасининг директори Гюнтер Лейманн ва Узбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббий ёрдам бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Ш. Шорахмедов.

А. ГОРОКРИК олган сурат.

Кишилар ҳаётини ўйлаб

ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИНИНГ СЪЕЗДИ

Яхшилик ва меҳр-мурувват, одамларга ўз вақтида ёрдамга келишга тайёрлик — Қизил крест ва Қизил Яримой жамиятлари билан фаол ҳамкорлик қилаётган кишиларда ана шундай ажойиб хусусият бор. 16 май куни Тошкентда Узбекистон ССР Қизил Яримой жамиятининг XVI съезди бўлди. Делегатлар оммавий жамоат ташкилоти олдида турган муаммоларни муҳокама қилдилар.

Жамият раиси Ў. Т. Воҳидованинг ҳисобот маърузасида, делегатларнинг нутқларида қилинган ишларга баҳо бериш билан бирга, ҳозир, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг ночор табақалари — қариялар, кўп болали оналар, болаларнинг оғир аҳволи муносабати билан ташвиш ҳам билдирилди. Нархларнинг ошиши, арзон моллар-нинг йўқ бўлиб кетиши, энг зарур нарсаларнинг ҳамма ерда тақчиллашиб қолганлиги кўп оилаларни оғир аҳволга солиб қўйганлиги айтилди.

Съезд делегатлари Қизил Яримой жамияти республикамиз учун мураккаб даврда халқ турмуш даражасини оширишга қаратилган дастурларни рўёбга чиқаришда мамлакат ва Узбекистон ҳукуматига ҳар томонлама кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаси деб билаётганини таъкидладилар.

Қизил Яримой жамияти бу ишни маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ҳайрия ташкилотлари ва жамғармалари билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб бормоқда. Чунончи Совет тинчлик жамғармасининг моддий ёрдами туфайли Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда ёлғиз қолган беморлар ва қарияларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, байналмилалчи жангчиларга Қизил Яримой жамияти ҳомийлигида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун меҳр-мурувват хизмати ташкил этилди. Узбекистон ССР Қизил Яримой жамияти маблағи ҳисобига кам таъминланган кўп болали оилаларга хизмат қилиш учун мамлакатимизда биринчи марта оилавий тиббий ҳамшираларнинг жамоатчилик муассасаси ташкил этилди. Беш йил ичида меҳр-мурувват ҳамшираларининг иш ўринлари қариб 10 баравар кўпайди ва ҳозир 2 минг кишидан ошди, улар Узбекистондаги 14 минг кишига хизмат қилишмоқда.

Шу билан бирга, жамият бўлинмалари ишида кўпгина камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам съездда таъкидланди. Ёшларни санитария-гигиена жиҳатидан тарбиялаш ва тиббий-санитария тайёргарлиги шу куннинг талабидан орқада қолмоқда, бу экология фалокати районларида айниқса равшан кўринмоқда. Турар жойларда, айниқса маҳаллалар ва қишлоқларда санитария-маърифий ишларни яхшилаш талаб этилади. Қизил Яримой жамиятининг район ва шаҳар комитетлари жойларда жамиятнинг хўжалик ҳисобидаги ўз корхоналарини барпо этиш, банк маҳаллий бўлимларида ўз меҳр-мурувват ҳисоб дафтарчаларини очиш масалаларини дадил ҳал этмаяптилар.

Съездда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

Съезд делегатлари жамият низоми лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Узбекистон ССР Қизил Яримой жамияти янги таркиби ва СССР Қизил крест ва Қизил Яримой жамиятлари уюшмасининг бўлажак съездига делегатлар сайланди.

Съезд ишида СССР Қизил крест ва Қизил Яримой жамиятлари уюшмаси ижроия комитетининг раиси, СССР халқ депутати Д. Д. Венедиктов, Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

РСФСРДА БЕШ ФОИЗЛИ СОЛИҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

МОСКВА. СССР Президентининг фармонига биноан ўтган йил декабрь ойининг охирида саноат ва озиқ-овқат моллари асосий турларини сотишдан жорий этилган беш фоизли солиқ РСФСРнинг бутун ҳудудида даярли барча озиқ-овқат молларидан олинмайдиган бўлди. РСФСР Олий Кенгашининг раиси Б. Н. Ельцин Россия парламенти палаталарининг бугунги қўшма мажлисида шуни маълум қилди. Кеча жумҳурият Вазирлар кенгашининг раиси И. С. Силаев тегишли қарорни имзолади, деди у. Солиқ фақат спиртли ичимликлар, табиий кофе, тамаки ва шоколадли маҳсулотлар учунгина сақланиб қолади.

Нуқтаи назар

ҚЎМСАШ

Иқтисодий жиҳатдан инқирозли дамларни бошимиздан кечираётган айни кунларда дорихонлик шоир Расул Ҳамзатовнинг отаси Цадасанинг бир фикри қайта-қайта ёдимга тушади. Ҳақиқий тоғликларнинг удумига амал қилиб яшаган бу хокисор инсон шаҳарга келганда ҳайронлигини яшира олмай атрофдагиларга:

— Мен бутун бошли шаҳарни айланиб чиқиб бирор ерда боғлоқлик мол-ҳолни, деворга ёпилган тезакни кўрмадим. Тавба! Шаҳардаги шунча халқнинг тирикчилиги қандай ўтади? Нима еб, нима ичади? — дейди.

Бир қарашда бу содда фикр кишини таажжубланти-рниш табиий. Ахир, шаҳар шаҳар-да... Лекин чуқурроқ мулоҳаза юритилса, «қишлоқи»нинг гапи тагида катта маъно ётганини сезамиз. Ногаҳон бугунги ночор вазиятга шунақанги «содда» фикрларга енгил-елпи қарашимиз оқибатида етиб келмадикмикан, деб ўйлаб қоламиз.

60-йилларнинг бошлари эди. Тошкент шаҳри четидаги Қатортол мавзесида истиқомат қиладиган қариндошларимизникига чиқиб, ёзги таътил кунлари дам олардик. Ўша пайтдаги Қатортолни эсласам, ҳали-ҳали томоғимга бир нима тиқилгандек бўлади. Ҳар бир оиланинг ўз боғи бўлиб, мева-чева гарқ пишган чоғда ҳудди эртаклардаги Боғи Эрамни эслатарди. (Ҳар ҳолда мен Боғи Эрамни ўшандай тасаввур этаман). Ўрикнинг ўзидан 6—7 хили бўлиб, ҳатто нашватини дарахтнинг устига чиқиб терардик. Бизга ётар чоғимизда ток сўрисининг тагидаги супачага ўрин солиб беришарди. Эрталаб туриб боққа кирардик-да, этак-этак мева териб чиқиб, катталарга мақтанардик. Улар эса кулимсираб, астагина:

— Болаларим, билиб қўйинглар, қўли қимирлаганнинг оғзи қимирлайди. Экинг, мевасини ейсиз, — дейишарди.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди. Кутилган кун ҳам келди. Ҳаммадан ҳам биз тенги 8—10 яшар болаларга қийин бўлди. Хонадонлардан сигирларни ҳайдаб кетишаётганида, дод солиб, думига осилиб йиғлашарди. Шу куни маҳаллада «аза» очилди. Уч кун ўтмаёқ бутун хонадонларда бирорта «туёқ»дан асар қолмади. «Мол бор уйдан барака арнмайди», дейишарди кексалар. Баракага путур етди. Ҳар куни толзорда сигир, боқиб, оилага наф келтирадиган ва шу йўл билан овунадиган болалар энди ёнғоқ, чиллак ўйнашдан нари ўтишмасди. Бу ҳам майли-я, 2—3 йил ўтгач, Қатортол маҳалласи бузилиб, ўрнига кўп қаватли бинолар тушадиган бўлди. Қатортолни бузишга қарши турганлар ҳам топилди. Чунки у бутун бошли шаҳарни қисман бўлса-да мева-чева билан таъминлаб турарди. Лекин кимларнингдир тазйиқи остида бу ишларга чек қўйилди. Мевали дарахтлар бульдозерлар зарби ила қўпорилди. Боболаримизнинг неча ўн йиллаб қилган меҳнатлари эвазига яратилган навлар йўқотилди.

Яқинда мен илгари ўша маҳаллада яшаган ёши улуғ бир киши билан учрашиб қолдим. Қўлида идиш. Набираларига сут қидириб чиққан экан. Бироз ўтириб, ўша вақтларни хотирладик.

— Эсингдами, — дейди у оғир хўрсиниб кўп қаватли уйлардан бирини кўрсатаркан. — Мана бу ерда бизнинг боғимиз бўларди. Кандай мевали дарахтлар бор эди-я. Молларимизни айтмайсанми! Аттанг... Энди эса ҳар куни сутга навбатда турамиз. У ҳам баъзида бор, баъзида йўқ. Нега ахир ўшанда молҳолларимизни давлатга зўрлаб топширтиришди? Боғларимизни эса... — у қўл силтади. Ўзини сал босиб олгач, қўшиб қўйди: — Энди мол боқинглар, боғ қилинглар, дея жар солишаяпти...

Қария ўтмишни эсларди. Бу эса нари борса 30 йиллар чамаси илгари рўй берганди. Жамият учун бундан ҳам ортиқ фожиа бўлиши мумкинми! Қария нимаси билан ғурурлансин? Тинимсиз машина ўтиб, чангиб ётган кўча биланми? Еки бўлмаса уч хонали каталаклик уйда яшаб орттирган бод касалини айтиб ғурурлансинми?

Ўтмишни бунча қўмсаб қолдинг, деб айб қўйишга шошилмаиг. Ҳали гапимни тугатмадим.

Ўтган йили хизмат юзасидан Кармана шаҳрига борганимда менга Навоий район партия комитетининг бир ходими ҳамроҳлик қилди. Истараси иссиқ, хушчақчақ бу йигит билан турли хўжаликларда бўлдик. Кечга яқин у менга юрагидаги дардни тўкиб солди.

— Мен Кармана шаҳри атрофидаги қишлоқданман. Ёшим 35 га яқинлашиб қолди. Болалигимда касаллик нималигини билмасдим. Энди эса бошим дарддан чиқмайди. Тонг отса, ўрнимиздан каловланиб турамиз. Чунки «Навоназот» заҳри қотилни кечаси ҳавога чиқариб юборади. Илгарилари баҳор келиши билан қишлоғимиз гуллаб-яшнарди. Энди эса гиёҳ ҳам ўсмайди. Ишонасизми, маҳалламизда тўй ёки маъракa бўлиб қолса, ёши етмишдан ошган қарияни кўрмайсиз. Баъзида ўйлаб ўйимга етолмайман, даҳшатга тушаман.

Бундай гапларни эшитиш оғир. Яна шуни англаш керакки, суҳбатдошимиз ўйламай қурилган заҳри қотил тарқатувчи корхоналар эвазига жабр чекаётган миллионлаб кишиларнинг бири, холос. Биз одатланиб қолганмиз: бирор йирикроқ ишга қўл урилгудек бўлса, халқ билан ҳисоблашиб ўтирмаймиз, раҳбарлар ўзи билгиларича иш юритишади. Оқибатда бу нарса кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлади. Мисол учун Чирчиқ дарёси бўйидаги капролактам заводини олайлик. Унинг қурилиши бошланганда италиялик мутахассислар: «Наҳотки шундай ерда қурасизлар»,—деб таажжубланишганди. Қурилиб ишга туширилди, лекин халқ ундан ҳали ҳам норози.

Ўйлаб-ўйлаб шундай хулосага келдим: қаердаки халқ фикри билан ҳисоблашилмас экан, ўтмишни қўмсаётган кишилар сони ортиб бораверади.

Н. РАФИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дала йўлида

МАВСУМ ЙИЛГА ТАТИРМИКАН?

Экиш-тикиш мавсуми арафасида Россия депутатлари яна мажлисбозликка тўпланишди. Бир вақтлар бизга ибрат қилиб кўрсатилган россиялик деҳқонлар зангалай деб қолган иш анжомларини ташлаб, Кремлга қараб чопдилар. Майли бу уларнинг ўз иши. Ишқилиб, йил якунида бизни боқимандаликда айблашмаса бўлгани. Қолаверса, бошқалар билан ишимиз йўқ, ўз кунимизни ўзимиз кўришга ўрганганмиз.

Экиш арафасида нарх-навонинг кескин ошиб кетиши деҳқонларимизнинг кўнглини бир қадар вайрон қилса-да, умид билан далага (митингбозликка эмас) чиқдилар. Нима ҳам қилардик? Кўпга келган тўй. Сўзамоллик билан элни тўйдириб бўлмаслигини деҳқонларимиз яхши билишади. Эртанинг умиди билан яшайдиган, фарзандларининг ташвишларини ўйлайдиган кишиларгина шундай йўл тутишади. Бугун республикамиз далаларида осмонўпар хирмонлар яратиш эмас, балки яшаш учун кураш кетаяпти. Тўғри, ҳали ҳам пахтакорнинг оғирини енгил қила олганимиз йўқ. Пахтанинг харид нархи қисман оширилган бўлса-да, барибир деҳқоннинг косаси оқармади. Турмуш шароити ўша-ўша. Агар бозор иқтисодиёти деган сиёсатнинг иштаҳаси шундай кетса, ҳали-бери деҳқоннинг оғири енгил бўлмайди. Ҳозир ҳаммага қийин. Бугунги турмушдан нолимаган одамнинг ўзи йўқ. Зеро, халқимиз бардошли. Акс ҳолда биз ҳам шиорлар кўтариб Қизил майдонларда митингбозлик қилишдан бўшамасдик. Сабр-тоқатли халқимиз баҳорнинг бир куни йилга татийди, деган боболардан қолган ҳикматни ҳамма нарсадан устун қўйишди.

Бухоро вилояти далаларида ҳам 1991 йил ҳосилига замин тайёрланмоқда. Вилоят бўйича 155 минг 931 гектар майдонга чигит қадалди. Шу майдоннинг 130 минг гектарига «Бухоро—6» нави экилди. Бултур вилоят бўйича жами 162 минг 594 гектарда деҳқончилик қилингаиди. Вилоят деҳқончиликсаноат уюшмаси раиси муовини Сиддиқ Рустамбоевнинг айтишича, бу йил пахта майдонлари 7 минг гектарга камайди.

Жорий йилда районларга чигит экишнинг белгиланган рўйхати берилмади. Шундай бўлса-да, Свердлов, Олот, Қизилтепа, Шофиркон, Ғиждувон районларида чигит экиш тез суръатларда борди. Навоий, Навбаҳор районларида экиш мавсуми бироз кечикди. Чунки, бу ҳудудларда табиий шароитларга кўра, экиш мавсуми кечроқ бошланади. Табиат ўз йўлига, иш эса ўз йўлига. Аммо инсоннинг табиатга етказган зарарини бугунги кунда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Эндиликда бутун вилоятда экологик хавф кучаймоқда. Айниқса, Оролбўйидан келаётган хавф-хатарнинг қора қўланкаси тобора қуюқлашмоқда. Амударёдан олинаётган сув миқдори камайди. Зарафшон дарёси йил сайин кичик-кичик ирмоқларга бўлиниб бораётир. Ҳатто баҳор-ёмғирига ҳам туз аралашди. Энди ёмғир қут-барака эмас, ташвиш келтирмоқда. Денгиздан кўтарилаётган туз аралаш чанг бутун вилоят далаларини қоплаётганидан кўз юма олмаймиз. Шунга қарамай вилоят деҳқонлари бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Бошқа чора ҳам йўқ.

Маҳмуд МАРДИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ: ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ТАШВИШИ БОР

АМАЛ-ТАҚАЛ ҚИЛИБ...

БОЗОРБОЙ Маҳмудов Зарбдор районидаги 133-автотранспорт корхонасида «қария» шоферлардан ҳисобланади. 1980 йили Афғонистон жангларидан «Қизил Юлдуз» орденини тақиб келди-ю шу корхонага ишга кирди. Вақт деганг оқар дарё экан...

— Ҳаммаси майли-ку, озиқ-овқат масаласини нима қиласиз?

— Уч-тўрт кунга етадиган унимиз, пахта мойимиз бор.

— Заҳирангиз бир ойга етмайдими?

— Йўқ.

— Қачондан бери магазиндан ун, мой олганингиз йўқ?

— Уч-тўрт ой бўлиб қолди. Мен аслида фахрийлар магазинидан нарса олиб туришим керак. У ердан ҳам ҳозир егулик эмас, фақат ваъда беришаяпти.

— Дейлик, бир ой ўтди, уйингизда ун, мой қолмади. Магазиндан ҳам ололмадингиз. Кейин нима қиласиз?

— Эл нима бўлса, биз ҳам шу-да. Пешонамизда борини кўраверамиз.

— Ойлик маошингиз қанча?

— Уч юз-тўрт юз олиб тураман.

— Бозор иқтисодиётига ўтилгани муносабати билан маошингиз ошдими?

— Билмадим... Икки ойдан бери маош олганимиз йўқ, бир нарса дейишим қийин. Қолаверса, мен шоферман, у ер-бу ердан ун топиб, мой топиб, кун ўтказишим мумкин. Менинг ғамимни емай кўл қолинг, мухбир ака... Аммо пахта мойи тополмай ўтирган деҳқонга қийин. Мана шу масалалар кўтарилса яхши бўларди.

Шоферларнинг-ку пешонасига нима ёзилганини билдик, аммо деҳқоннинг пешонасида нима борлигини билиш мушкул.

Абулқосим МАМАРАСУЛ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тегирмону жувозхоналар қўпаймоқда

Иштихон районида 40 дан зиёд тегирмон, 36 та жувозхона ишлай бошлади. Шунга яраша дону дун борми? Ҳа, бор. Масалан, ўтган йили аҳолига 8.600 тонна ғалла, яъни ҳар оилага камида 250 килограммдан буғдой улашилганди. Худди шу тантилик энди кўл келмоқда. Тегирмонда тортилаётган буғдой ун танқислигининг олдини олмоқда.

— Жувозхоналарга келганда гап бундай, — дейди «Уч қаҳрамон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А. Шакаров, — кунжуту зиғирни ўзимизда етиштиришга киришганмиз. Шу ҳисобдан юқори сифатли ёғ тайёрлаб аҳолига сотяпмиз. Бу хўжаликка ҳам, одамларга ҳам фойда келтирмоқда.

Дарҳақиқат, райондаги барча хўжаликларда ана шундай тадбиркорлик тутимига қўл узатилмоқдаки, бунинг самараси кун сайин ортиб бормоқда.

СУҲБАТГА ЧОРЛОВ

ЧОЙХОНА ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Чойхоналар қадимдан йўловчилар учун мусофирхона вазифасини ҳам ўтаб келган. Одамлар бир-бирларини ана шу ердан қидириб топишган. Бир куни йўлда дўстим билан кетаётиб, ёши олтмишларда, бир даста рўзнома қўлтиқлаб олган одамни учратдим. Унинг «Чойхона — шифохона»дан келаяпман, дегани менга қизиқ туюлди. Билсам, у киши анча зътиборли лавозимда ишлар экан. Бирдан ўрни қисқартирилибди. Ҳали 60 га етмаган бўлса ҳам иш стажи етгани учун 57 ёшида иззат-икром билан пенсияга кузатилибди. Қайноқ ишга ўрганган одам бироз вақт ўтгач, юраги чангаллаб оғрийдиган бўлибди. Шифокорлар бир дунё доридармонлар ёзиб беришибди. Лекин унчалик нафини сезмабди. Буни эшитган пенсионер қўни-қўшнилари уйда ўтиравермма, юр чойхонага, одам тафтини одам олади, деб жўярда-қўймай олиб чиқиб кетишибди. Ҳамиша иш тиғизлигидан чойхоналарда ўтиришга одатланмаган одамга аввал ғалати туюлибди. Сўнгра аския, кулги, ҳар хил латифалар, дўстларнинг қизиқ ҳикоялари руҳини бироз енгиллатибди. Уйига кайфияти хуш, дили равшан бўлиб қайтибди. Хотини, болалари ҳам хурсанд бўлибдилар. Шу-шу ҳар куни чойхонага чиқадиган, чиқмаса хумор қиладиган бўлиб қолибди. Соғлиғи ҳам яхшиланиб кетибди. Шундан бери «чойхона-шифохона» деб юрар экан. Бир вақтлар «Литературная газета»да босилган «Ёлғизликдан инфаркт» деган мақолани эслайман. Унда ёзилишича, жаҳон тиббиёт олимларининг текширишларига қараганда, жуда кўп ва оғир касалликлар: рак, инфаркт, инсульт кабиларнинг 60-70 фоизи ёлғизликдан келиб чиқар экан. Қизиғи шундаки, аҳолиси кўп миллионли шаҳарларда одамлар ёлғиз яшаётганлиги ажабланарлидир. Албатта бунинг илдизлари бор. Масалан, баланд қаватли уйларда яшайдиганлар бир йўлакда туриб бир-бирларини танишмайди... Ўзбекнинг қадимий одатларига хос қўшни туйнуклари, қўшни эшиклари йўқ. Илгаригидек, биронта таниқ таом қилинса ёки мева-чева олиб келинса, «қўшни ҳақи» чиқаришлар ҳам йўқ бўлиб кетган. Ҳаттоки ёлғиз ўзи ўлиб қолиб, сасиб кетгандан кейин эшикни бузиб кириб, қўмилган ҳолатлар ҳам учраб туради...

Маҳалла ва гузарларда, «дом»ларнинг оралиғида кичик-кичик чойхоналар — суҳбатхоналар бўлса, одамлар бўш вақтларида чиқиб, бир пиёла чой баҳонасида суҳбатлашишади, шахмат-шашка суришади. Рўзнома ва ойномалар ўқишади. Энг муҳими — ўртада инсоний меҳр туғилади.

Чойхоналарнинг шуниси яхшики, чой ичиб бўлдингми, ҳеч ким қани турив кет, демайди. Ресторан, қаҳвахона, ошхоналарда узоқ ўтириб дам олиб бўлмайди. «Иш» битгач, кутиб турганларга жой бўшатиб бериш керак. Ёшликда чойхонанинг қадри унча билинмаса ҳам қариганда яққол билинади. Пенсияга чиққандан кейинги «ишхона» — чойхонадир. Чунки, инсон ўзига у ерда суҳбатдош-дилдош топади. Чойхоналаримизнинг ниҳоятда инсонпарварлик, айниқса, қариялар парварлик руҳида бунёд этилганлигини, ота-боболаримиз юксак донишмандлик билан бундай масканларни яратганини Марказий телевиденинг бир кўрсатувидан кейин чуқур ҳис қилдим. Мухбир Ленинград шаҳри, Нева дарёсининг бўйида итини етаклаб сайр қилиб юрган кишидан сўради:

— Сиз пенсияга чиққач зерикмадингизми?

Кекса оғир бир хўрсиниб:

— Зерикдим, ўғлим, зерикдим. Ҳар оқшом шу итим билан бир-икки соат сайрга чиқаман. Яна уйга кираман. Телевизор... Кундуз кунлари ҳамма иш билан банд. Мен ҳеч қаёққа сиғмайман. Анча вақтдан бери шаҳарда пенсионерлар клуби очилади, деган гап бор. Шу клуб очила қолса... бориб ўз тенгқурларимни топиб, ёшликни эслаб бир ёзилардим, — деб армон қилди.

Шунда, тўғриси, чойхоналаримизга муҳаббатим ошиб кетди. Пиёла гирдини айлантириб, покиза кўрпачаларда, райҳон ҳидлаб, чой ҳўплаб ўтирган отахонларимизнинг баъзан пенсия пулларидан шўрвами, норинми, паловми тайёрлаб улфатчилик қилишларини ўзбекона пошшахонлик, деб қўйдим.

Тошкентимизда янги чойхоналар бор: Собир Раҳимов боғида, Комсомол кўлида, Ғалаба боғи — Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, Ишчилар шаҳарчасида. Шунингдек Акмал Икромов маҳалласининг «Нуроний» чойхонаси, Ҳабиб Абдуллаев маҳалласидаги чойхона. Булар асосан ҳашар йўли билан қурилган. Лекин бефайз чойхоналар ҳам йўқ эмас. Чойнак-пиёлалари чегаланган, кир босган. Чойхоначига «Чой беринг» десангиз, «Чойнак опкелинг», дейди. Сиз чой ичаётганларнинг тепасига бориб: «Бўш чойнагингиз борми?» — деб турасиз. Улар зарда билан: «Йўқ», — дейишади. Энди чой олиб ўтирсангиз, бошқалар: «Чойнак бўшми», — деб сўрайверишганидан кайфиятингиз бузилиб, таъбингиз тирриқ бўлади.

Чойхоналаримиз одоб ва аҳлоқ маскани ҳам бўлган. Ёшлар чойхона олдидан масталаст, хотин-қизларимиз беҳаёлик билан ўтмаганлар. Маҳалла аҳлидан бирортаси беодоблик содир этса, уни чойхонада изза қилишган. Жазолардан энг ёмони юртнинг уялтириши бўлган.

Ўзбек қўшиқ санъатининг илк саҳнаси ҳам чойхона бўлган. Қиссахонликлар, ғазалхонликлар уюштирилган. Масалан, Тошкентдаги Илҳом самоварчининг чойхонаси маданият маркази бўлганлиги кўп китобларда ёзилган. У ерда Тўйчи ҳофизнинг қўшиқлари янграган. Ҳозир ҳам илғор маҳаллаларнинг чойхоналарида ана шундай яхши анъаналар давом этмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Маҳалла оқсоқоллари, ижроком раҳбарлари чойхоналарни ошхона трестлари, ширкатларга бериб юбориб, уни даромад манбаига айлантирмасликлари керак. Акс ҳолда чойхона одобхона, шифохона. суҳбатхона фазилатидан маҳрум бўлади. «Очилиш», «Ёпилиш» соати белгиланиб, эшикка қулф тушади. Бунга эса сира-сира йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир таклифим шуки, шаҳримиз маркази бўлмиш Ленин майдони чеккасида—анҳор бўйига бир замонавий муҳ ташам чойхона қурилса, шарқона пойтахт ҳуснига-ҳусн қўшиларди. Кўп қаватли иморатлар орасига ҳукумат томонидан тўйхона-чойхоналар қуриб берилса, қанийди. Бундан ташқари янги даҳалар лойиҳалари чизилаётган вақтда шаҳар раҳбарлари, албатта, тўйхона-чойхоналар бўлиш кераклигини ёддан кўтармасалар. Шунда одамлар ўзаро пул йиғиб, айрим учар усталарга ноқулай, қинғирқийшиқ тўйхона-чойхоналар қурдириб, даҳаларнинг манзараларини бузмаган бўлардилар. Афсуски, ҳозиргача шундай қилиб келинди. Бугун эса халқимизнинг турмуш тарзига, анъаналарига ҳурмат билан ёндашиш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ҳайдар МУҲАММАД,
шоир.

ТЕМУР ЗАМОНИДАН НИДОЛАР

М. Алининг «Сарбадорлар» тарихий романи ҳақида

Ўтган йили «Шарқ юлдузи» журналининг 8, 9, 10-сонларида Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи чоп этилди. Ўзбек тарихий романининг ўз мактаби, тараққиёт босқичлари бўлганлиги учун ҳам биз шоирнинг фавқулодда йирик насрий асари—тарихий романини бироз ишончсизлик билан ўқий бошладик. Бироқ, роман ўқувчини ўз қаҳрамонлари тақдири-аъмоли ортидан эргаштириб кетиши, жозибали оҳанги билан шубҳаларимизни тарқатиб юборди.

«Сарбадорлар» темурийлар илк даври миллий-озодлик ҳаракати ташаббускорлари, ватанпарвар аждодларимизнинг ҳаёт ва кураш йўлларига бағишланган тарихий романдир. Сарбадорлар жамоаси тўғрисида тарихий манбаларда жуда кўп ҳужжат ва маълумотлар сақланиб қолганлигига қарамай, ўзбек ўқувчиси бу ҳақда ҳалигача жуда кам тасаввурга эга. Сарбадорлар XIV асрда Мовароуннаҳр маркази Самарқандда ўз маслакларига кўра хуросонлик ватанпарварларнинг «Фозил шаҳар қуриш» ғоясига қўшилиб адолатли, фозил халқ вакиллари бошқарувидаги давлатшаҳар тузиш йўлида жонларини фидо қилиб, (форсча сар ба дор) ҳақ йўлида бошларини дорга тиккан халқ миллий озодлик ҳаракати аъзоларидандир.

Сарбадорлар Мовароуннаҳрни мўғул ҳукмронлигидан холи кўриш йўлида озодлик кураши олиб борган (Абу Наср Фаробий ҳаёлий давлат тузумидек), икки дарё оралиғида «фозил, ориф шаҳардавлат» қуриб, унда халқ ҳокимиятини ўрнатган биринчи уюшган халқ вакилларидир.

Ушбу романгача ўзбек адабиётида бу ҳақда кам ёзилган, айрим илмий мақолалар эълон қилинган эди, холос. Шоир Азим Суюннинг «Сарбадорлар» тарихий-драматик достони бу йўлдаги ижодий изланишларнинг боши сифатида ўз жанр ва мавзуи хусусиятлари билан алоҳида тадқиқот мавзуидир.

Асарда гарчи сарбадорлар ҳаракати, уларнинг раҳбарлари, айрим бош қаҳрамонлари феъл-атвори тадрижини ёритишга кўпроқ саҳифа бағишланган бўлса-да, Амир Ҳусайннинг Темур ҳамроҳлигидаги кунлари, ёш Темурнинг тарих саҳнасига кириб келиши ҳақида ҳам бадиий маълумот берилади. Сарбадорлар ҳаракати учун яккаҳокимлик, ҳатто темурийлар сулоласи давлати руҳи ҳам ёт саналса-да, бу бадиий асарни бўлажак жаҳонгир Амир Темур образисиз тасаввур қила олмайсиз. Мана шу руҳ асарни ҳаракатга келтириб, қаҳрамонларига жон бағишлайди, уларнинг раҳнамолари кўнглига, келажакка умид солади. Бу шарпа эгаси Амир Темурдир.

Ўзбек тарихий романини шартли равишда уч туркумга бўлиш мумкин. Бу—асарнинг тасвир манбаи, тил ва услуби, оҳанги билан боғлиқ. Биринчи туркум — Қодирийча тарихий лирик-ҳиссий таҳлил. Иккинчи оқим — Ойбекона эпик манзара яратиш санъати. Учинчиси — Миркарим Осимова тарихий воқеа ва далил қобиғидан чиқмеган, соф тарихий талқин. М. Алининг романи бу жиҳатдан қайси туркумга киради? Назаримда, «Сарбадорлар» тарихий романи баъзи қирраларда Қодирий ижодий йўлига яқин турса-да, аслида тил ва услуби, таҳлил манбаининг аниқ тарихий шахслиги, ўтмишдаги у ёки бу ижтимоий ҳодиса кенг тасвир этилиши, унга ижтимоий-сиёсий баҳо беришга интилиш нуқтаи назаридан кўпроқ Ойбек мактабини эслатади.

Айни пайтда, М. Али романининг мустақил асар эканлигини таъкидлаш лозим. У янгича изланиш билан тарихий романтик услуб йўналишида яратилган. М. Алининг тарихчи адиб сифатидаги ижодий йўли мана шу услубда такомил топса, ажаб эмас.

Муаллиф тарихий воқеликни бадиий инъикос қилишда тарихчидан кўра адабиётчи ва шоирлигини кўпроқ кўрсатган. Романда олимона баҳсу мунозаралар, илмий-тарихий тафаккур, тарихий шахс ва бадиий тўқима қаҳрамонлар тақдирига илмий-бадиий ёндашишдан кўра ҳиссий, инсоний муносабат кучли акс этган. Шунинг учун ҳам кўп ўринларда Мавлонозода, Абубакр Калава, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол ва бошқа образлар тасвирида бу шахсларнинг X—XII аср ё XV—XVI аср, ҳатто XIX—XX аср бошлари одамларидан фарқи йўқдек кўринади. Романдаги қаҳрамонлари кўпгина инсоний-ҳиссий туйғу-шуурлари билан бугунги кун илғор зиёлиларининг бир қисмини эслатадиган ўринлар ҳам йўқ эмас. Бу фазилатми ёки камчилик-нуқсми, деган савол туғилади. Менимча, бу миллий характер яратишдаги ўзига хос янгича ижодий изланиш самарасидир.

Энди тарихи, шахс, давр, ижтимоий-маданий ҳаёт манзараси тасвирида қаҳрамонларнинг андак чекланганлиги, айрим саҳифаларда бир томоналамалик, баъзи ўринларда чуқур бадиий-психологик таҳлил, характерлар кураши, тарихий давр руҳини санъаткорона очиб бериш ўрнига қаҳрамон ички нутқи, муаллиф баёнчилиги, ўринли-ўринсиз монологларга зўр бериш, воқеа-ҳодисаларга ташқаридан аралашишга мажбур бўлиш ҳоллари, албатта, ҳали тарихий роман жанрида илк асарини яратган адиб учун табиийдир.

«Сарбадорлар» ўзбек тарихий миллий асари намунаси сифатида тўрт сюжет чизиғида ҳаракат қилиб, ривожланиб боради. Биринчиси — халқ ҳаракати раҳнамолари йўлбошчилигидаги Абубакр Калава, Мавлонозода бошлиқ Самарқанд сарбадорлари катта ватанпарварлик кураши. Иккинчи сюжет йўли Амир Темур, Амир Ҳусайн, Чингизий ҳукмдорлар тарихий қиёфалари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган. Бу жараён Амир Темурнинг халқ ва лашкар орасида обрў-эътиборининг тобора ошиши, салтанат сари яқинроқ силжиши ҳолатлари билан боғлиқ. Учинчи чизиқни соф муҳаббат йўли эгаллаган. Бу Мавлонозода ва Жаҳон ўрталаридаги саргузаштли ишқ-муҳаббат тасвиридан иборатки, айнан мана шу чизиқда М. Алининг адиб сифатидаги маҳорати кўзга ташланган. Мавлонозода ва Жаҳонбиби ўрталаридаги муҳаббат савдосига бағишланган манзаралар нозик қалам учида алоҳида маҳорат билан чизиб берилади. А. Қодирийнинг Анвар ва Раъноси сифат толиби илм Мавлонозода билан унинг маъшуқаси Жаҳоной ўрталаридаги беғубор, тиниқ муносабатлар гоҳ шеърий, гоҳ насрий саъж шаклларида илҳом билан тасвирланган. Тўртинчиси Самарқанд ҳокими — асардаги энг мураккаб тақдирли, мукаммал ишланган образлардан бири Садр Сулаймон, унинг суюкли хотини Хонлиқ оқа, асранда ўғли Худобанда драматик ҳаёт йўлларига бағишланган саҳифалардаи иборатдир. Бу икки қутбдаги қаҳрамонлар ва сюжет чизиқларининг барчасини «Сарбадорлар» тарихий романининг бош қаҳрамони Мавлонозода боғлаб, бирлаштириб туради. Деярли барча аъмоллар Мавлонозода тақдирида учрашиб, кесишади.

Самарқанд мадрасасининг олди вакили Мавлонозода ижтимоий-сиёсий дунёқараши шакллана бориши билан сарбадорлар орасидаги ягона сиёсий арбоб, соҳиби девон, бош котибга айланади. Нодирбек навқирон йигит сифатида орзулар қанотидаги фидойи ошиқ. У фавқулодда ўз фирқаси раҳбари, сарбадорлар боши Абубакр Калаванинг қизи Жаҳонбибини юракдан севиб қолади. Айниқса кўзга яқин Жаҳоннинг шаҳар ҳокими қиёфасидаги қароқчи Қора Арлот — Садр Сулаймоннинг, унданда ўтиб, мамлакат ҳокими Амир Ҳусайн «зътибори»ни тортиши ошиқ йигитлар Нодирбек, Ахий Жаббор, ота-она ва оила қадрдонлари учун жуда қимматга тушади.

Қизғин шундаки, М. Али талқинида шахсий бахт учун кураш, яъни Жаҳонни Садр Сулаймоннинг зиндонидан, Шоҳ Амир Ҳусайн «марҳамати»дан қутқариш йўлидаги курашлар охир-оқибат халқ миллий-озодлик ҳаракатининг асосий кураш йўлига чамбарчас боғланиб кетади. Бу эса асар ва унинг қаҳрамонлари ҳаёт — кураш йўлларининг оддий халқ турмушига яқинлигини таъминлаган.

Муаллиф ўз бош қаҳрамони феъл-атвори тадрижини ривожлантира бораркан, Мавлонозода руҳиятидаги қарамақарши ҳис-туйғулар, муайян даражадаги такаббурлик, ўз илми ҳофизасига бино қўйиш, баъзи дақиқаларда якка ҳокимиятга интилиш жиҳатларини ўзига хос тасвирлаган.

Бу ҳолатлар очиқ-ойдин бўлмаса-да, қаҳрамон ички монологи, қалб туғёнлари сифатида берилади. Биз Нодирбек қалбида кечган зиддиятлар, ички тўқнашувларни инкор қилмаймиз. Фақат, мана шу ички туғён, бир киши қиёфасидаги икки хил табиат, руҳий-маънавий олам етарли даражада психологик тадқиқ этилмаганлигини, кўп ҳолатларда эса ёзувчининг бу ниятн китобхонни ишонтиролмаслигини эслатишга мажбурмиз.

Бадиий асар ёлғиз бош қаҳрамонлардан ташкил топмайди. Улар характерларини кўзгу сингари ёритиб турадиган, ўз тақдири-аъмолларига ҳам эга бўлган ўнлаб образлар «Сарбадорлар» бош қаҳрамонлари атрофида ҳам мавжуд бўлиб, ана шундайлардан бири Худобандадир.

«Сарбадорлар» романининг энг ҳозиравий саҳналаридан бири Шер ўғлон — Худобанданинг Хонлиқ оқа бобилхонасида ўз синглиси Ширинбика—Жоннигор билан тўқнаш келиб, фавқулодда ички бир туйғу воситасила уни таниб қолиши манзарасидир. Қиморбоз ота оила бошига солган даҳшатли тақдир мана шу эпизодда энг олий чўққисига чиқиб, фоҳиша сингил гуноҳга ботмасдан бурун Ҳакимзода ака томонидан бўғиб ўлдирилади. Тутинди «ота» Садр Сулаймон иродаси билан элга жинни деб эълон қилинган Худобанда бу фожеий хўрлик лаҳзаларидан сўнг ақлий зўриқиш оқибатида ростданам жинни даражасига чиқади. Бу ҳолатларни бадиий психологик асослаш, тасвирлашга муаллиф бор маҳоратини ишга солган.

Темурбек образи ривожи мисолида Амир Темур характерининг шаклланa боришини тадқиқ этаркан, муаллиф тарихий манбалардан ҳам ўринли фойдаланади. Хусусан, бўлажак марказлашган давлат раҳбари, жаҳонгир Темурнинг тарих зарараҳларида қайд этилган Амир Ҳусайн билан ҳал қилувчи лаҳзалари зътирофи — Тангачакчак дараси қасамёди, Чиноз яқинида, Сирдарё бўйларидаги Жета хони бошлиқ мўғуллар қўшини билан Амир Ҳусайн ва Амир Темур бошчилигидаги ҳимоячи қўшин ўртасида ўтган «Жанги лой» уруши манзаралари, Самарқанд яқинидаги Қурултой ҳамда Конигилдаги оқибати фожиа билан тугаган Наврўз тантаналари манзаралари тарихий манбаларга тўла мос келиши билан ажралиб туради.

Асар сўнгида пахтагулли чопон кийган халқ ҳокимияти вакиллари — сарбадорлар сингари Амир Темур ҳам Самарқандда ўтган Наврўз байрами куни зиёрат баҳонасида ўз хўжаси Амир Ҳусайн томонидан алданади. Халқ ҳокимияти сардорларининг ваҳшиёна қатл қилиниши Темурбекни ғоят ғазаблантиради. Ҳусайннинг бу номардлиги икки амир ўртасида дарз кетган муносабатни бутунлай бузади.

Сарбадорлар раҳбарларидан ёлғиз Мавлонозодани қутқариб қолишга улгурган Амир Темур Ҳусайнга қарши қаратилган ғазабли «нутқи»да сарбадорларнинг аввало миллий озодлик, сўнг адолатли жамият тузиш йўлидаги курашларига катта баҳо беради. Бу оддий халқ вакилларини салтанат таянчи бўлган амирлар, хону беклар гуруҳларидан устун қўяди. Айниқса сарбадорларнинг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган қаҳрамонликларига, Самарқандни душман ҳужумидан сақлаб қолганликларига қойил бўлади.

Романдаги бошқа халқ вакиллари Лакшман, Нозим, Меҳмет, Читорабоғу каби турли миллатлар сиймолари, муштипар аёллар, мўйсафид чоллар, бағуноҳ болалар образлари ҳам ўзига муносиб феъл-атвор эгалари сифатида жонлантирилган. Ҳинду оиласининг ўзбек хонадонига қадрдонлиги ўша давр кўпмиллатли Самарқанд манзарасидан намунадир.

«Сарбадорлар» романидаги бирор образ силлиқ, бир текис феъл-атворли, маънавий-руҳий зиддиятсиз эмас. Уларнинг барчаси инсоний қувват ва заифликларга эга. Тун салтанати раҳбари Шаҳриёру Ахий Жаббор, гадой қиёфасидаги бойвачча Абомуслим-Жалойирбек, унинг ўғли Шерўғлон «ҳакимзода» Худобанда, маҳфий хизмат ва фириб устаси Абумансур, қулликдан маликаликка кўтарилиб, сўнг ахлоқий тубанлик чоҳига тушган Ҳонлиқ оқа, ҳокимият бандаси, риёкор Қавомиддин қози сингари бир-биридан мураккаб тақдирли ҳаётий образлар китобхон зътиборини ўзидан узоқлаштирмайди.

Шоир ёзган ушбу тарихий роман ўзбек адабиётининг ҳозирги босқичига келиб тарихий-бадиий жанрнинг янги — тарихий романтик услуби яратилаётганлигидан гувоҳлик беради. Бу устоз Абдулла Қодирий, Ойбек домла услубларига суянган, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров тажрибаларидан ўрганган адибнинг ўз услубини топиш сари қўйган дадил қадамидир.

Тарихий асар ҳамма замонларга хизмат қила олиши билан қадрли саналади. «Сарбадорлар» ўз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий қарашлари билан бизнинг кунларимиздаги миллий онгнинг уйғониши, жумҳуриятимизда соғлом демократик кучлар — турли оқимдаги халқ ҳаракатлари ғояларига ҳамоҳанглиги, айни пайтда улар фаолияти йўлида тарихий сабоқ вазифасини ўташи билан қимматлидир.

«Сарбадорлар» халқимиз тарихидаги энг ёрқин даврмўғуллар салтанатининг дунёга келиши олдидан унга замин ҳозирлаган, халқ ҳаракати бадиий ифодаланган асар сифатида моҳият зътибори билан ҳаётимизда кечаётган бугунги ижтимоий-сиёсий, маънавий иқлим истиқболи ҳақидаги романдир.

Маҳмуд САТТОР.

У. Қорабоев Андижон вилоятининг Хўжаобод районидаги 44-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. У ўз касбини чуқур ва пухта билгани учун яқинда республикамизда бўлиб ўтган «Ўқитувчи — 91» конкурсида иштирок этди.

Бундай ташаббускор ва изланувчан устозлар қанча кўп бўлса, бу — шогирдлар бахти.

СУРАТДА: мутахассислар У. Қорабоев дарсини кузатишмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА олган сурат.

РОСТ ҚАЙДА, ЁЛҒОН ҚАЙДА...

ЕХУД БИР МЕҲНАТКАШНИНГ ИККИ МАРТА ЎЗ ИШИДАН ҲАЙДАЛИБ, ЯНА ТИКЛАНГАНИ ҲАҚИДА

«...Нима деб айтган, ёзган бўлсам, ҳаммасини исботлайман. Акс ҳолда суд олдида жавоб беришга тайёрман. Району вилоятдаги текширувчиларга ишонмайман. Масалан, вилоят халқ назорати комитетидан Келдиёров инни марта келиб, ишларни текшириб, ҳаммасини ёпиб кетди. Корхона раҳбарларига атиги ҳайфсан эълон қилишди. Бундан қаноатланмайман. Ҳақиқат йўлида курашганим учун мени заводда сиқиштирмай, ҳар хил майда-чуйда гаплар учун милицияга топширишга уринишади, қаматамоқчи бўлишади... Ким айбдор бўлса, тегишли жазосини олсин-да, токайгача шу аҳволда ишлаб яшаймиз!».

(Жабрдийданинг мажлисда айтган гапидан).

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, «Ҳақиқат бор!» дейилса, лаби-лўқмамизга учуқ тошиб кетадиган кунларга қолдик. Сабаби — минг бир турли адолатсизликлардан жингиртоб бўлаётганларни ҳар куни, ҳар қадамда учратиш мумкин. Мирза Бердимуродов ҳам ана шундай «доғида доғман»лардан бири. Дастлаб ҳақини талаб этгани учун ишдан бўшатилди. Жарқўрғон район халқ суди ҳам «тўғри бўшатилган» деб ҳукм чиқарди. Сўнгра у вилоят судига арз қилди. Оқибат ҳақиқат юзага чиқди. Бердимуродовнинг ишсиз юрган кунлари учун корхона директорининг киссасидан нақд 519 сўм 96 тийин ундирилиб, жабрланувчи ўз ишига тикланди. Бундан корхона бошлиғи Рамазоновнинг юзлари шувит, бошлари эгик бўлиб қолгандир, деб ўйларсиз. Йўқ, ундай бўлмади...

13 июлда «Ленин байроғи» рўзномасида шу воқеа ҳақида таниқидий мақола чиқди, эртаси — 14 июлда Рамазонов кундуз соат иккиларда уни ҳузурига чақириб: «Аҳмоқ экансан, сенга энди кўрсатаман! Бугундан бошлаб ишламайсан, бутунлай йўқ қилиб юбораман, кет!» — деб бақирган эмиш. Бердимуродовнинг ёзишича: «...17 июлда у шу бақироқ директорнинг рухсати билан меҳнат таътилига чиқиб, 14 августда қайтиб тўққиз кун ишлаганидан кейин мажлис ўтказилади. «Сен 14 июлда 4 соат прогул қилдинг», деб у яна ишдан бўшатиладн.

Бу ўринда ўша 14 июль куни бўлган бошқа бир қанча алғов-далғов ишларни ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Худди ўша куни вилоят халқ назорати комитетининг ходими Р. Келдиёров билан З. Рамазонов Мирзанинг уйига ахтариб боришган. Район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Ж. Муродов келиб, чақириқ қоғози ташлаб кетган. Йўғ-е, бир танқидга шунчалик таъқибми, деб ўйларсиз. Унда сўрову терговдаги кўрсатмалардан кўчирмалар келтирамиз:

Панжи Бобоқулов (ички ишлар ходими): Ўша куни (14 июль) эрталаб машинага ёнилғи қуйиб, милисахонага келдим. Хизмат бошлиғи Абраев қўлимга чақириқ қоғозини берди (Бердимуродов М. деб ёзилган экан) ва: «Заводга бориб шу одамни олиб келинг» — деди.

Исмоил Абраев: Бобоқулов П. бизда «ИВС» ҳайдовчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Мен унга Бердимуродовни чақириб келгин, деб чақириқ қоғози берганим йўқ. Бошлиқлар айтган тақдирда ҳам автозаг машинаси билан олиб бориш мумкин эмас...

В. П. Сугиван: Мен заводда маъмурият қабулҳонасининг ходимиман. 14 июль куни соат 11 да милиционер келиб, Бердимуродов номига ёзилган чақириқ қоғозни бермоқчи бўлди, мен олмадим. Кейин биргалашиб ахтардик, тополмадик. Тушдан кейин милиционер машинасида яна келди, ахтардик, радиодан чақирдиқ, тополмадик (Демак — шу куни топганда ҳе йўқ, бе йўқ — Мирзани қамаб қўйишлари ҳам ҳеч гапмаслиги сезилиб турибди. Буни район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Жўра Муродовнинг чақириқ қоғозини ўзи ёзиб, Бердимуродовнинг уйига олиб борганини, бироқ 16 июль куни ички ишлар бўлимига нима учун чақиргани эслай олмаслигини баён қилишидан ҳам илғаб олиш қийинмас).

Гулнора Сувонова: 15 июль куни соат учларда Жарқўрғон район ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини Муродов уйга машина билан келиб, Бердимуродова чақириқ қоғозни бор икковларингиз ҳам эртага милиция бўлимига борингилар, деб тайинлади. Эртаси у билан Муродов ҳузурига бордик, завод директорининг Бердимуродов устидан ёзган хатини ўқиб бериб, тушунтиришнома ёздириб олди...

Бу гапларни эшитган одам тутаб кетмаганига ҳайронман. Эй, Сурхон воҳасининг марду майдонлари, нима бўлаяпти сизларга?! Айтинг-чи, қай бирингизга ишонсак бўлади?! Барча хатти-ҳаракатларингиз қонунга зид-ку? Биринчидан, ножўя ҳаракат қилган ишчи корхона касаба уюшмаси комитети розилигини олгандан кейин бир ой муддат мобайнида меҳнат шарт номаси бекор қилиниб, сўнг ишдан бўшатилиши керак. Орадан 40 кун ўтиб кетиб-ди-ю меҳнат интизомини бузган кишидан узрли ёки узрсиз ишдан қолганлиги ҳақида лоақал тилхат олинмаган ёки жамоа бу ҳақда хабардор қилинмаган. Корхона маъмурияти, ҳакамлар! Э, яшаворинглар-ей!

Завод директори Рамазонов суд ажримидаги баёнотида: «1989 йил 14 июль куни тушдан кейин бригадирга уйимда қурбонлик қиламан, деб кетиб қолган экан», — деган. Хўш, уида нега шунча одам (тағин чақириқ қоғози, милиция машинаси билан) қидирадн, деган савол туғилади. Бу ўринда шуни айтмоқ жоизки, М. Бердимуродов директорни мажлисларда ва матбуотда таниқид қилгани учун уни кўп таъқиб остига олишган. Милиция, ҳалқ назорати, судьялар — ҳаммаси кўзларини чирт юмиб, директорни ҳимоя қилишга ўтиб олишган. Хуллас, бу масала то республика Олий судига етиб боргунга қадар району вилоятдагилар оқни қора, қорани оқ дея ҳукм чиқараверишган. Охир-оқибат нима бўлди, дерсиз. Яқинда қанча-қанча оворагарчилигу сарсонгарчиликдан кейин иш суднинг қўйидаги қарори билан якунланди: «Бердимуродов Мирза Жарқўрғон темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш заводига, 2-разрядли электрик вазифасига тиклансин (Бу Термиз райони судининг 1990 йил 23 февраль, Сурхондарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича 1990 йил 20 мартдаги ажримлари бекор қилинди, деган гап — М. Б.).

Унинг ҳисобига мажбурий ишсиз юрган кунлари учун корхонадан 516 сўм ундирилсин (Қарорнинг бу қисми дарҳол ижро қилинсин), Рамазонов Зокир Норсоатовичдан завод фойдасига 516 сўм ундирилсин...»

Бироқ шунда ҳам яна нимадир етишмаётгандек туюлаётир. Яъни бир кишини икки марта ноқонуний ишдан бўшатган (16 ой ишсиз юришига сабабчи бўлиб, ўз ёнидан 1025 сўм пул тўлаган) мазкур корхонанинг ноқобил бошлиғи ва шунчалик оворагарчиликларни келтириб чиқарган совет қонунчилиги посбонларининг мушукларини нега ҳеч ким пишт демаяпти? Айтмоқчимизки, бунақанги чала ҳақиқатларнинг ҳам охир-оқибати яхшиликка олиб бормайди. Негаки, бой бойга боқадиган, сув сойга оқадиган даврлар ўтиб, замон ўзгараяпти.

М. БЕК.

БЎЛСА СОЗ

Сувга чўксанг, бўйнингда бўйинбоғинг бўлса соз,
Кўкка учсанг, қўйнингда кўзмунчоғинг бўлса соз.
Ерда юрсанг, ёнингда, ерга кирсанг тепангда,
Сани мақтаб тургувчи дўст-ўртоғинг бўлса соз.
Ёшликда даар сурган, қариб кўнгилга урган,
Юзи бужмайиб турган, гулдудоғинг бўлса соз.
Бўлсанг агар амалдор, кўпаяди дўсту ёр,
Шулар ичра беозор, ҳамқишлоғинг бўлса соз.
Пул етмаса агар-да, яшолмасанг шаҳарда,
Борсанг қай бир гузарга, бир тойчоғинг бўлса соз.
Агар бўлсанг болажон, беш қизу бешта ўғлон,
Ҳукумат тўлар товон, кўз қароғинг бўлса соз.
Тез-тез чиқар фармонлар, кўпаймоқда армонлар,
Алдашар каттаконлар, ақли соғинг бўлса соз.
Сўзлагил Олим Бўри, сенмас шоирлар зўри,
Қурсин нодонлар шўри, шеърпичоғинг бўлса соз.

Олим БЎРИ.

ҚИСТИРМАСАНГ

(БИР ОТАРЧИНИНГ АЙТГАНЛАРИ)

Келмоғинг ушбу базмга шарт эмас, қистирмасанг,
Ҳеч киши сендай йигитни мард демас, қистирмасанг,
Қош қоқиб қаршингда жонон тўхтамас, қистирмасанг,
Айт, ахир қандай йигитсан, басма-бас қистирмасанг,
Тўйхона қалбим қушига тор қафас, қистирмасанг!
Арзигай қалбинг эриб сув бўлса жонон нозига,
Лоақал чўз юзталикни юздаги пардозига,
Қийматим юксак, ўзим ғар ўхшасам ҳам тозига,
Менга кўп-кўп қистириб тур, розимасман озига,
Дилгинамдан кўкка ўрлар мунгли сас, қистирмасанг!
Йиғлаган сурнай учун ҳам айласангчи бир ҳимо,
Ишқала «қўлнинг кирини», пул эмас-ку қуш ҳумо,
Кўрмисан, бизнинг ўйинчи айламоқда минг имо,
Қўлларинг киссангда, кўзим чўнтагингда доимо,
Ичганинг чиқсин тешиб, эй ақли маст, қистирмасанг!
Пахта тиқма «кар» қулоққа, тинглагил чирмандани,
«Қистиринг, ҳа қистиринг» деб, чорламоқда у сани,
Мен-ку, «Бир бор келмадинг» деб, қиздирарман даврани,
Серсаховат, пулли қўлга ўхшатурман хўп сани,
Тур, йўқол, кетгил бу ердан, ақли паст, қистирмасанг!

Маҳмуд РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ЎЖАР ТЎНҒИЗ

Бир тўнғиз кучига сиғмай ирғишлаб,
Дуч келганни тепиб, хириллаб, тишлаб
Ҳамсоя боғнга бостириб кирди,
Топтади, булғади, ҳар неки қилди.
Қўшнилар инсофга чақириб уни
Дедилар: «Бас қилгин бундай ғулуни,
Бировнинг боғини қилмасдан пайҳон,
Чиқ бундан, бор бўлса сенда ғар виждон!»
Тўнғиз-чи, тўнғиз-да! Кўнмади гапга,
Чийиллаб, ташланиб гоҳ ўнг, гоҳ чапга, —
«Ҳаммангни тилкалаб ташлайман!» — деди,
Оқибат бошидан зўр сўйил еди...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ҲИНД ХАНДАЛАРИ

Бир аёл дўхтирга қўнғироқ қилибди:

— Доктор, тезроқ етиб келинг, ўғлим қаламчани ютиб юборибди.

— Ҳозир қабулимда беморлар жуда кўп, бироздан сўнг борамен.

— Унгача мен нима қиламан!

— Сиёҳда ёзиб туринг.

* * *

Бир раққосанинг эри дўстига дебди:

— Бугундан бошлаб ундан хабардор бўлиб туришим керак. Жуда ёлғончи бўлиб кетди.

— Нима гап! Бирон кор-ҳол бўлдими!

— Кеча тунни дугонам Майаниинда ўткезаман, деган эди.

— Шундай деса ёлғончи бўлиб қоладими!

— Кечаси Майа мен билан бирга эди-да.

* * *

Самолётин бошқариш дарси борарди. Бир йигитча ўриндан туриб савол берди:

— Борди-ю сакраганимда чодирим очилмай қолса, нима қилишим керак!

— Келиб бошқа чодир олишингга тўғри келади, — жавоб берди ўқитувчи.

«НАВОИЙ ҲАЗРАТЛАРИ КЕЛАЯПТИЛАР»

(Фарғоналик таниқли ҳажвчи марҳум Адҳам ҲАМДАМ хотираларидан)

Адҳам Ҳамдам Самарқанд дорилфунунини битириб, вилоят «Ленин йўли» рўзномасининг масъул котиби бўлиб ишлаётган пайт. Ўша қирқинчи йилларда Алишер Навоий таваллудининг беш юз йиллигини ўтказишга тайёргарлик борарди.

Навоий тўйининг катта йиғини Шарқ буюкларининг олтин бешиги саналмиш Самарқандда бошланадиган бўлганди. Уни ўтказиш ташкилий комиссияси тузилиб, унинг раислигига вилоят раҳбарларидан бири соддадил, оққўнгил, камтар, қишлоқдан чиққан, саводи унча бўлмаган (ўша даврга хос) оқсоқол тайинланиб, Адҳам Ҳамдам эса масъул котиб этиб тасдиқланганди.

Тайёргарлик бошланиб, сарф-харажатлар, меҳмонлар келди-кетдиси, жой, овқатланиш ва бошқа жуда кўп юмушлар режаси масъул котиб папкасига йиғиб борилаётганди.

У ҳужжатларга имзо қўйдирганг комиссия раиси олдига борибди.

— Хўш, Адҳамжон, нима гап? — сўрабди у.

— Ўртоқ раис, шу ҳужжатларга имзо чекиб юборсангиз.

— Адҳамжон, бугун иш кўп, эртага келинг.

Аммо эртасигаям, уч кундан кейин ҳам, бир ҳафтадан сўнг ҳам раис ҳеч имзо қўймабди.

Кунлардан бирида Адҳам Ҳамдам жиддий ва нозик бир фикрни дилига жо қилиб, қабулдаги одамларга ҳам қарамай ўша катта идорага шартта кирибди.

— Ҳа, Адҳамжон, нима гап? — сўрабди раис.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай, ишлар чатоқ. Алишер ҳазратлари Тошкентга келиб қолибдилар.

— Навоий Тошкентдалар? — хуши учибди раиснинг. — Адҳамжон, тезроқ айтинг, нима қилишимиз керак?

— Мана бу ҳужжатларга имзо чекиб берсангиз, пул ўтказилса, қолган ишларни ўзим эплаб юбораман.

— Олиб келинг, — дебди-ю ҳужжатларга бир пасда имзо қўйиб берибди раис.

Абдуқаюм НУРМАТОВ.

Тошқул тирриқ йиртиқ пулини елимлатгани почтахонага чиқиб, нохуш гап топиб келди.

— Қўйли кассир мазаси қочиб касалхонада...

Қўйли кассир унинг тўн кийишган ошнаси: Тошқул уйланаётганда Қўйли, Қўйлининг тўйида Тошқул куёвжўра бўлган. Мактабда бир партада «оёқ тепишиб» ўтиришган, бирга ҳарбий хизматда бўлишган, ҳатто болаликда сомонпомон ўғирликка ҳам чиқишарди. Бориб ҳол-аҳвол сўрамаса, жўрачиликка тўғри келмас-ов!..

Тошқул тирриқ пешайвоннинг зеҳида ўтириб ўй сурганча ҳозиргина ямаган пулининг тахини бузмасдан буклаб, қопчиғига жойлади, сўнг шахт билан ўрнидан қўзғалди: «Кўргани бораман! Бугун бозор куни. Нима, тўрт-бешта пишган мояк, бир боғ барра пиёз, ярим коса чакки қаерда қолмайди. Бораман!» .

Ўрнидан илкис қўзғалиб икки-уч қадам ташлаган эди, товуққатакнинг биқинида тилини осилтириб ётган кўппак эгасининг ўзи томон келаётганини кўриб эркаландими, думшуғини чўзиб ғиғиллади. Тошқул тирриқ эсига муҳим нарса тушгандек тўхтади. Сўнг калласини қийшайтирганча қанжарини қашди: «Шошма... Қурбон қоровулнинг ити қопиб қирқта укол олганимда, шу Қўйли жўрам мени кўргани борганмиди ё... Баччағар борганн йўғ-ов?»

Тошқул тирриқ қайтиб келиб жойига ўтирди. «Энам боруди. Бу — аниқ. Зиғир ёқа юпқа қилиб... Отам? Отам ҳам боруди. Хотиним-чи? Уям боруди шекилли... Ҳа-а... Қўйли жўрам-чи? Шу хумса борганн йўғ-ов?! Борган бўлса, хўш... Нима олиб борган? Тўхта, товуқ шўрвани Қўйли кассир обормаганми? Э-э... у эмас. У киши «культурний». Ўйда товуқ боқмайди... Ҳа, бемаза, бормаган экан-да. Яна «жўра», «жўра», деб жар ургани ортиқча, жўраммас у! Менам бориб бўпман!»

Тошқул тирриқ ўрнидан дилтанг ҳолатда қўзғалди. Жаҳл устида оёқ остида ётган обтоғаани бир тепиб қулатди-да, кўчага чиқиб кетди. Кечгача мактаб пастидаги стадионда тўп ўйнаётган бола-бақрани томоша қилиш билан андармон бўлиб, «Қўйли кассирнинг касаллигини» унутди. Оқшом тушгач, бекорчиликдан оёқ узатганча вассе сапаб ётганди, нигоҳи тўсатдан девордаги кўзгунинг қатига қистирилган суратга тушдн. Беихтиёр ўрнидан қўзғалиб, қўл узатдн. Четлари сарғая бошлаган суратдан бир-бирининг елкасига қўл ташлаган аскар кийимидаги икки ўспирин унга қараб тиржайиб турарди: «Ўнг томонда фуражкасини қийшиқ қўндириб, кўзойнак таққани унинг ўзгинаси, чап тарафда оғзида папирос, шимарилган билагидан татнуровкаси кўриниб турганн эса Қўйли жўраси! Эҳ, ғалати даврлар, ҳам маза, ҳам қийин... Янги борганда қийналганлари... Эсида, битта армон жўраси билан кийим талашиб қолишганда командирн уни картошка товалашга жўнатганди. Ўҳу-ў... ўзиям бир ғарам бориди-ёа! Агар ўшанда шу Қўйли жўраси кўмак бермаганда, ким билади, қўли қавариб...

Эй-й... айтгандай, Қўйли кассир касалхонада-ку! Менга товуқ шўрвани шу Қўйли қурғур олиб борган чиқар-оа?! Эртагаёқ... ишидан бир соатга жавоб сўрайди-да, велосипедини миниб, «гир» этиб бориб келади... Нима, уч-тўртта пишган мояк, ярим коса чакки, бир-икки боғ... Бўлди, эрта кўргани бораман!»

Эртаси наҳорда Тошқул тирриқ «кишт-кишт»лаганча катакдан товуқларни ҳайдаб чиқараётганди, ялоқ ндишга ювиндн ағдараётган аёли ишини ташлаб, этагини кенг ёйганча паррандаларнинг олдини қуйдирди... Ўтган йил ўзини-ўзи эмиб қўядиган қилиқ чиқарганди. Мол дўхтириям, зоотехник ҳам бу дардга даво топишолмаганди. Кейин уни шу даҳмазадан ким қутултирганди? Ҳа-а... Қўйли жўрасида! Эй, бу ишнинг кори осон экан. Сигирнинг бўйнига учи найза камонсифат ҳода боғланса бўлди... Қани кейин ҳам эмиб кўрсин-чи! Лекин шу Қўйли кассирнинг калласи зўр ишлайди-да!

Тошқул тирриқ ғунажиндан кўзини узиб ерга тикилди. «Шу товуқ шўрвани Қўйли кассир оборган-ов?! Бўлмаса, хўш... ким оборган? Энаси юпқа, отаси чукири. Ўша оборган! Бўлди, эртага кўргани бораман! Нима икки-учта мояк, бир боғ пиёз...»

Аммо эртаси... Саҳармардондан хабарчи келди:

— Ҳув-в... Тошқулбой! Бугун пода навбати сизники...

«Эй-ей, чатоқ-ку! — хафа бўлди Тошқул тирриқ. — Ахир бугун Қўйли жўрасини кўрганн... Чорасини топмасам...»

Тошқул тирриқ қишлоқ подасини ўз ўрнига боқишни илтимос қилиб уч-тўрт ҳамсоянинг дарвозасини қоқди. Лекин илтимоси остонадан нарига ўтмади: «Навбатинг келган бўлса, боқ-да, ошна. Сенинг ўзинг бирор маротаба бировга....»

Тошқул тирриқнинг жиғибийрони чиқди. «Қўйли жўрам бўлганда ҳеч йўқ демасди. Ҳамманги сотиб пулини... Эртага, албатта, уни кўргани бораман!»

Тошқул тирриқ куи бўйи Қўйли жўраси ҳақида ўйлаб пода боқди. Ўйининг ниҳояси шу билан тугадики, у эртасига «уч тўрт мояк, икки-уч боғ пиёз, ярим коса чаккиёга қўшиб бир қошиққина шўрва ҳам қилдириб Қўйлн кассирни кўргани боришни кўнгил қатига тугди. Режаси ўзига ёқиб тушдими, кайфияти кўтарилиб, қўшиқ хиргойи қилганча подани қишлоққа қайтарди. Уйига эллик-олтмиш қадам қолганда қўшиқ қоқ белидан узилди. У ерга қараганча таққа тўхтаб қолди. Шундайгина, оёғининг тагида, мол туёғидан ҳосил бўлган чуқурчада кўкиштоб қоғознинг четн кўриниб турарди. Тошқул тирриқнинг юраги ажабтовур бўлиб урди.

«Пул!» — хаёлидан ўтказди у титраб. — Ўзиям ўнталикми? Йўқ, зайнови ранг-ку! Элликталик-ов... Ё пирим!» Тошқул тирриқ тиззасини букмасдан илкис эгилганча қўлини чўзди... Қўлини чўзди-ю ҳали букилмаган тиззалари қалтираб кетди: «Лотерея билати-ку! Мен бўлсам... Ҳей, лотерея... Биров ютуқ чиқмагандан кейин лойга қорнштириб ташлаб,.. Ҳа, мана ярмигача йиртилган ҳам экан... Ўзи пешонам шўр-да! Лотерея бўлганда ҳам барибир ҳеч нарса ютолмасдим. Бир гал...».

Тошқул тирриқ қўшиқни йиғиштириб мунтайганча кетаркан, ўша «бир галдаги» кўнгилсиз воқеани эслади. У ҳеч қачон лотерея сотиб олган эмас. Омади бор-йўқлигига ишонмаганидан эмас, шунчаки ҳали ноаниқ бўлган ютуққа бекорга акча сарфлашни истамасди, холос. Аммо бир гал жўраси Қўйли кассир аёлининг ойлигини бера туриб бир дона лотереяни унинг олдига ташлаганди.

— Ма, ол, майдам йўқ экан.

Тошқул тирриқ жўрасининг гапига кўнмади.

— Сўлкавойдан бер! Ана магазиндан майдалатиб келаман!

Қўйли кассирнинг вақти тиғиз экан.

— Олсанг-чи, шуни, жўра... Мана ҳидлагин... Уҳ-ўҳ! Қара, гупиллаб бензин ҳиди келаяпти. Ҳойнаҳой, «Москвич» чиқмасаям, «Запорожец» чиқади-ёв! Ол шуни... Качонгача деворни эшак қилиб миниб юрасан. Сенам бундай машинали бўлда, оғайни!

Тошқул тирриқ кассирнинг гапига учди. «Жўрам-ку, алдамас!» деган умидда лотереяни олди. Олди-ю кейин пушаймон еди. Қўйли кассирнинг «алдаб сотган» лотереясига машина тугул, ҳатто машинанинг мокиси ҳам чиқмади.

Пул деб ўйлаганн йиртиқ лотерея бўлиб чиққани, устига-устак кўнгилсиз воқеа ёдига тушганиданми, Тошқул тирриқ бу сафар Қўйли жўрасидан ростакамига хафа бўлди. «Ундай жўрам йўқ! Эй-й, ўша...»

Тошқул тирриқ ярим очиқ турган дарвозани тепиб ҳовлига кираркан, овозини яна бир поғона юқори олди: «Эртагаёқ бориб елкасига ёпган тўнимни қайтариб оламан. Йўқ, аввал касалхонадан чиқсин... Тағин касал кўрдига борармишман... Йўқ, бормайман!».

Эртасига ойлик маошнн олиб қайтаётган Тошқул тирриқ катта кўчада тўсатдан Қўйли жўрасининг аёлига рўбарў келиб қолди. Аёл уни таниб салом берди. Тошқул тирриқ гапирадиган гапини ўйлаб олгач, қаттиқ томоқ қирди.

— Қандайсан? Болаларинг яхшими? Эрингни кўргани бораяпсанми?.. Жўрам-да эринг. Лекин мен касал ётганимда Қўйлибой бир оғиз кўнгил сўрашни эп кўрмовди! Тўғрима?

Қўйли кассирнинг аёли эрининг қадр-қимматини жойига қўядиган хотин эди:

— Ҳе, нимага ундай дейсиз, Эшқулбойди отаси? Мен шу қўлларим билан пат юлиб товуқ шўрпа қилиб беруздим... Жўрангиз бачаларига деб фермахонадан опкеган экан. Йўқ, Тўқлижоннинг отаси, анаан жажа жўрангиз Эшқулбойнинг отаси мазаси бўлмай ётганимиш, шунга оборинг, дедим.

Тошқул тирриқ киши билмас қизарди.

— Ҳазил... Ҳазил... Ҳм-м, ўша товуқ... Буни қара-я... Ҳай, кетдим...

Тошқул тирриқ ҳурсанд бўлиб кетди. Йўлда йўртиб кетиб бораркан, ўзидан-ўзи илжаярди.

— Шу Қўйли жўрамнинг жўмардлиги бор-да! Бекорга тўн кийишмаган-да. Э-э, кунингдан. Демак, товуқ шўрванн шу жўрам... Ўзиям аўр товуқ эди-да! Ўшанда палатадагиларга бу макиён эмас, хўроз, десам бўларкан... Бўлди, эртагаёқ жўражонимни кўргани бораман. Нима, тўрт-бешта мояк, икки-уч боғ пиёз, ярим коса...

Бу сафар Тошқул тирриқ сўвида турди. Эртаси куни ишдан барвақтроқ чиқиб жўраси Қўйли кассирдан кўнгил сўрагани борди. Аммо жўраси қурмағур, этнги ярим соат илгари касалхонани ташлаб кетган экан.

Муҳаммад ОЧИЛ.

Рассом хандаси



Қўйнимда бир ёр,
Кўнглимда бир ёр.

Битта ўзим биламан...

А. ОРИПОВ ва Р. ЭГАМБЕРДИЕВ чизган расмлар.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоҳба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилдн 22.30.

Индекс: 64608. 5407-буюртма.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордели босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12